

Ёркинжон ҲАЙИТБОЕВ

*ОНАМ  
ҚИПРИҶИҶА  
АРЗИМАС ДУНЁ*

(Шеърлар)

Гулистон-2020  
“Зиё” нашриёти

КБК: 84(5Ўзб)

УЎК: 82-1

Ҳ-19

Ёрқинжон ҲАЙИТБОЕВ,

“Онам кипригига арзимас дунё”. Шеърлар. Гулистон: “Зиё” нашриёти. 2020 йил, 144 бет.

Китоб инсонни ҳамиша эзгуликка етаклаб келган. Ушбу китоб муаллифи Ёрқинжон Ҳайитбоев жуда ёшлигидан китобга меҳр қўйган ёш ижодкорлардан. Кўп мутолаа қилиш, шеърлар ёд олиш унинг энг сеvimли машғулотларидан.

Ёрқинжоннинг ўзи битган мисраларида унинг китобга бўлган меҳрини, муҳаббатини янаям тиниқроқ кўрасиз. Қишлоқ боласининг зийрак нигоҳлари, тийран қарашлари ҳар бир шеърининг қатига жойлашганга ўхшайди. Она табиатнинг бор гўзаллиги, қишлоқ одамларининг серташвиш, файз-у барокатга тўла ҳаёти, қолаверса ёшликнинг муҳаббатга тўла даври ёш ижодкорнинг шеърларига сингиб кетган.

Кўлингиздаги китобни меҳр билан варақланг ва қаламкашнинг ўй-кечинмаларига ҳамроҳ бўлинг.

Нашр учун масъул муҳаррир:

Норинисо Қосимова,

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

ISBN 978-9943-6070-4-0

© “Онам кипригига арзимас дунё”

© “Зиё” нашриёти

## **ИЖОДИНГ ЁРҚИН БЎЛСИН, ЁРҚИНЖОН ЎҒЛИМ**

Яхши ёзувчи, яхши ижодкор бўлиш учун, аввало, қалбнинг гўзаллиги, болалардек беғуборлиги, самимийлиги бўлиши керак. Ўтган асрнинг етмишинчи йилларида бежизга, болалар адабиётига паққос ўтиб олмаган эдим. Бунинг замирида жажжи қалб эгаларига бўлган меҳрим, муҳаббатим ва хавасим мужассам бўлган эди. Ижодкор қачонки, бу оламнинг ҳийла-найрангларидан ўзини йироқ тутиб, ёлғонлардан қалбни покиза тутса, ҳаттоки тушида ҳам ёзмокчи бўлган асарини кўрса, ўзи яратган қаҳрамонлар билан яшаса ва адабиётга юзакилик билан қарамаса, ана шундагина ҳақиқий ижодкорга айланади. Дунёда бўлаётган ҳодисаларга эътибор беринг, атрофингиздаги инсонларни, уларнинг вақти-вақти билан ўзгариб туришини кузатинг ва шундан кейин 3-4 ёшли боланинг кўзларига, хўразқанднинг қизили ўтиб қолган лабларига, онасининг ё отасининг қўлини маҳкам ушлаб олган қўлчаларига қаранг. Хўш, ўша кўзлар тик қараб туриб, алдашга қодирми? Ўша лаблар билиб туриб, ёлғон сўзлай оладими? Ўша қўлчалардан қабих ишларни қилиш келадими? Йўқ, демак яхши ижодкор бўлишни истаган ҳар бир қалам соҳиби борки, бола каби беғубор бўлишга инилиши керак. Сирдарёлик Ёрқинжонни анчадан бери танийман. Эсимда, уйимга бир дафтар тўлган шеърлари билан келганида айни ёз эди. Очиғи, Сирдарёдан Тошкентдай катта шаҳарга бир ўзи келгани, яна манзилни билмасдан сўраб-суриштириб уйимизни топгани мени бироз ажаблантирганди. Сўзлари жойида, маъноли ва самимий бўлиб, ҳақиқий китобхон ўқувчи экани нигоҳидан билиниб турадиган бу йигитчанинг шеърлари, айниқса, шеърни ўзгача услубда берилиб ўқиши менга

жуда ёққан эди. Ўшанда, “Мен ўзбекман” деган шеърини ўқиб берганди. Шеърдаги кетмон, урчуқ ҳақидаги янги тасвирларни эшитиб, бу боланинг заҳматкаш деҳқон фарзанди эканлигини англаган бўлсам, қолган машқлари орқали шеърят остонасига кечагина кириб келмаганлигини пайқадим. Кейинчалик билсам, етти ёшидан буён ижод билан ҳамнафас бўлган бу боланинг истеъдоди, айтар сўзи, тасвирлари чакки эмас экан. Шу-шу Ёрқинжон билан кўп суҳбатлашиб турадиган бўлдик. Ҳар сафар телефон орқали шеърларини айтиб берганида Сирдарё адабиёти, Тўра Сулаймон, Ҳалима Худойбердиева сингари ижодкорларни улғайтирган вилоятнинг меҳнатсевар халқи кўз ўнгимда гавдаланади.

2019 йилнинг охирги кунлари эди. Ёрқинжон ўғлим кўнғироқ қилиб, эртақлар танлови бўлаётгани ва “Олтин кетмон” эртагини танловга тақдим этаётгани ҳақида айтиб қолди. Янгиликни эшитиб, айниқса, ундаги кизиқиш ва интилувчанликни ҳис қилиб, шогирдимдан хурсанд бўлдим. Эртақ ёзиш учун олинган мавзу қандай бўлишидан қатъи назар, яхшилик устун бўлиши кераклиги бўйича маслаҳатларимни аямадим. Анъанавий қаҳрамонлар қаторига янгиларини қўшиш кераклигини, янги қаҳрамон яратиш учун яхши ижодкор бўлиш лозимлигини уқтирдим. Бир куни Ёрқинжон ўғлим ҳаяжон билан кўнғироқ қилиб қолди. Айтиши бўйича, “Мен эшитган эртақлар” танловининг Республика босқичида 3000 нафар ўқувчи орасида ғолиб бўлиб, биринчи ўринни эгаллабди. Мана қилинган меҳнатни ва иштиёқни, энг асосийси эртақ ёзишни натижаси. Эртақчи боламга қўшилиб, мен ҳам қувондим. Республика болалар кутубхонасига, танловнинг тақдирлаш маросимига тақлиф қилишди. Эртақчи болаларимнинг ижодга бўлган қизиқиши учун ҳам рад қилмасдан бордим. Аввал турли йўналиш совриндорлари эълон қилинди. Шундан

сўнг, биринчи ўринни Сирдарё вилоятидан Ёрқинжон Ҳайитбоев эгаллади, деганларида беихтиёр фахрланиб кетдим. Ёрқинжон каби шогирдларим, ўғил-қизларим жуда кўп. Деярли ҳамма вилоятдан кўнғироқ қилишиб, янги ёзган эртақларини, шеърларини баҳам кўрадиган болажонларим бор. Уларнинг ютуғи, уларнинг хурсандчилиги менинг ҳам хурсандчилигим.

Сирдарёлик ўғлим Ёрқинжоннинг нашрга тайёрланаётган бу шеърини тўпламини ўқиб, айниқса, китоб номининг чиройли танланганини эшитиб, ёш ижодкорнинг адабиёт оламида катта қадам ташлаётганидан хурсанд бўлдим. Онам кипригига арзимас дунё. Эътибор билан шу номни қайта ўқиб кўринг. Қалбингизнинг қайсидир жойлари тўлқинландими? Агар шуни сезган бўлсангиз, ижодкор кўзлаган мақсадига эришибди.

Адабиётда Абдулла Қаҳҳор ва Эрнест Хемингуейнинг қарашлари менга ёқади. Билишим бўйича Абдулла Қаҳҳор бугун ёзган ҳикоясини эртага яна қайта ёзиб кўрган экан. Хемингуей эса, 1 фоиз истеъдод, 99 фоиз меҳнат билан яхши ижодкор бўлиш мумкинлигини таъкидлаган экан. Демак, ҳақиқий ижод учун тинимсиз меҳнат, матонат, сабр-бардош керак. Машҳурликни ўйлаб қалам ушлаган инсондан ҳеч қачон яхши шоир, яхши ёзувчи етишиб чиқмайди. Чин юракдан ёзилган ҳар бир асар ўз ўрни билан машҳур бўлиб кетади. Мен ҳам Сирдарёнинг шижоатли ўғлони Ёрқинжонга фақат ва фақат меҳнат қилишни, тинимсиз ўрганишни насихат қиламан ва ўйлайманки, кенжа шогирдим келажакда яхши ижод соҳиби бўлиб етишади. Ёрқинжон ўғлим, ижодинг ёрқин ва бардавом бўлсин. Сени кучоқлаб, пешонангдан ўпиб қоламан!

**Худойберди Тўхтабоев,  
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.**

**ТО ЖИСМИМДА УРАРКАН ЮРАК...**

## ЎЗБЕКИСТОН

Хонтахта устида қоғозим бордир,  
Ижод қилмоқдаман, қўлимда қалам.  
Ўзбеклик мен учун бир ифтихордир,  
Бахт-у шодлигимни енголмас алам.

Қайсидир юртларда менинг тенгдошим  
Қўлида қурол-ла жангга кирмоқда.  
Юрагим эзилар, кўзимда ёшим,  
Мурғак танасини ерга бермоқда.

Биз она Ватан деб яшасак, улар  
“Эртага борманми?” дейди ташвишда.  
Шундай экан, шукр қилганча бизлар  
Жонбозлик кўрсатсак бўлар ҳар ишда.

Ўзингиз таққослаб кўринг, кадрдон,  
Ғурбатда яшашдан, айтинг, не маъни?  
Бахт бўлса шошади уйига инсон,  
Ҳар кимга муқаддас она Ватани.

## ЮРТБОШИМ

Зилол сувдек ниятларнинг йўқ адоғи,  
Сиз боғбонсиз, мен - шу боғнинг бир япроғи,  
Юксакларда зафар қучган юрт байроғи,  
Дуо қилар бахти қулган ҳар юртдошим,  
Омон бўлинг, ташаббускор, Сиз юртбошим.

Инвесторга айланмоқда оддий деҳқон,  
“Ҳунармандлар шаҳри” бўлди гўзал Қўқон,  
Гулга тўлди Гулистон-у Зомин, Сурхон,  
Дуо қилар бахти қулган ҳар юртдошим,  
Омон бўлинг, ташаббускор, Сиз юртбошим.

Стратегик ҳаракатлар - беш йил учун,  
Ҳар қарор-у фармонингиз - шу эл учун,  
Асил меҳнат кўрсатмоқда ғайрат, кучин,  
Дуо қилар бахти қулган ҳар юртдошим,  
Омон бўлинг, ташаббускор, Сиз юртбошим.

Ўзбекистон тинчлик учун бешик бўлди,  
Беш ташаббус келажакка эшик бўлди,  
Юртим қувонч, садоқатга шерик бўлди,  
Дуо қилар бахти қулган ҳар юртдошим,  
Омон бўлинг, ташаббускор, Сиз юртбошим.

Биз жўшқинмиз, сукунатдан қўп нарида,  
Шодлик боғи ястангайдир дил қаърида,  
“Ёшлар” дея БМТнинг минбарида,  
Дуо қилар бахти қулган ҳар юртдошим,  
Омон бўлинг, ташаббускор, Сиз юртбошим.



Обод кишлок хонадони нурга тўлар,  
Бу Ватаннинг осмонида қуёш кулар,  
Дунё кўрки энди бизнинг Тошкент бўлар,  
Дуо қилар бахти кулган ҳар юртдошим,  
Омон бўлинг, ташаббускор, Сиз юртбошим.

Ҳалимаю, Огаҳийнинг мактаблари,  
Ундамоқда ҳар бир ёшни ижод сари,  
Орзу-мақсад - кўнгилларнинг сийм-у зари,  
Дуо қилар бахти кулган ҳар юртдошим,  
Омон бўлинг, ташаббускор, Сиз юртбошим.

Юртни севмоқ - тоза виждон, соф имондан,  
Уни асраб яшамоқлик - танда жондан,  
Бу шеър юртга совға бўлсин Ёрқинжондан,  
Дуо қилар бахти кулган ҳар юртдошим,  
Омон бўлинг, ташаббускор, Сиз юртбошим.

## МЕН ЎЗБЕКМАН

Мен оловман - Ватан учун ёнган олов,  
Абад дўстлар дийдорига қониб юрай.  
Қадр топмас, ўзлигидан тонган олов,  
Қадр топиб, меҳр топиб, ёниб юрай.  
Юрай ўша ёғду тўла кўчаларда,  
Салом сизга, саодатнинг чечаклари.  
Қуёш бўлинг зулмат тўла кечаларга,  
Садоқатнинг, ҳув омаднинг куртаклари.

Мен ниҳолман бахт тоғидан униб чиққан,  
Кўрган кўзга шодумонлик берай дейман.  
Капалаклар ҳар баргимга кўниб чиққан,  
Тезроқ ўсиб, кенг дунёни кўрай дейман.  
Булут менга яхши хабар етказди,  
Кўшиқдайин тинглаб, жоним яйраб кетар.  
Рашқчи сабо келган қушни кетказди,  
Ифоримни туйган булбул сайраб кетар.

Мен урчуқман содда момо кўлидаги,  
Айланаман дуо қилган кафтлар аро.  
Чин одамий муҳаббатнинг йўлидаги,  
Онам тафти азиз улуғ тафтлар аро.  
Ҳар айланган оним алёр оғушида,  
Шукр айтиб, эзгу сўзлар эркалайди.  
Қизалоқлар ҳатто кўриб тушларида,  
Ҳайрат ила боққан кўзлар эркалайди.

Мен кетмонман - буюк деҳқон ардоқлаган,  
Она ерга ҳар ботганда меҳр олгум.  
Улуғ тупроқ қувонч билан кучоқлаган,  
Келмас ҳатто ишлагандан сира толгим.  
Лекин илож қанча, деҳқон дам олгуси,  
Тайин чарчар, ер тилини топгунича.  
Ҳар сафдошим меҳнат билан қувонгуси,  
Чаман этиб чўлни чунон чопгунича.

Мен ўзбекман қишлоқларни шаҳар қилган,  
Жилғаларда оққан зилол сувим Ватан.  
Илми юксак аждодларни башар билган,  
Юрагимда қад ростлаган уйим Ватан.  
Ватан десам дил боғларим яшнаб кетар,  
Халқим билан йиқилмасман, мангу тикман.  
Нигоҳимдан ишонч нури сачраб кетар.  
Жар соламан, бахтим шуки, мен ўзбекман.

## НУРДАРЁ

Ширмой юзли қизларингнинг сўзи гўзал,  
Сўзидан ҳам меҳридарё ўзи гўзал,  
Момоларнинг фариштадек юзи гўзал,  
Оқибати осмон қадар нурдарёсан,  
Юракларда оққан она Сирдарёсан.

Бешикларда тебранади полвонларинг,  
Очунларни ҳайрон қилган ўғлонларинг,  
Тўра бобо куйлаб кетган дostonларинг,  
Дostonларга сиғмас маъно, хур дарёсан,  
Юракларда оққан она Сирдарёсан.

Мирзачўлни чўл деганлар хато қилгай,  
Чўлнинг чаман бўлганлигин дунё билгай,  
Воҳадошлар дуо айлаб, шукр қилгай,  
Шукроналар шажараси, зўр дарёсан,  
Юракларда оққан она Сирдарёсан.

Севгим сўлим боғларингга поёндоздир,  
Менга қалам тутган асли бахт, эъзоздир,  
Ҳар санъаткор мадҳинг куйлаб хушовоздир,  
Матонатдан тўлқинланган бир дарёсан,  
Юракларда оққан она Сирдарёсан.

Гулистоним, қандай гўзал номинг бордир,  
Қуёш кулиб боққан боғи чаманзордир,  
Обиновот қовунларинг ифтихордир,  
Бахт шодаси нур таратган дур дарёсан,  
Юракларда оққан она Сирдарёсан.

Ҳали йиллар ёзадирман мадҳингга шеър,  
Эй беқиёс, гул ястанган муқаддас ер,  
Ёрқинжонинг деса фақат Сирдарё дер,  
Нурдарёсан, хур дарёсан, зўр дарёсан,  
Юракларда оққан она Сирдарёсан.

### **БАХТИЁРЛАРМИЗ**

Юртдошим, ўпканга тўйиб нафас ол,  
Қара, юксакларда Ватан байроғи.  
Ниятлари катта қалбга қулоқ сол,  
Тинчлик - бахтнинг кўзи, меҳр қароғи.

Самода учмоқда оппоқ кабутар,  
Дуолар қилмоқда эл кексалари.  
Интизорлик билан меҳмонни кутар,  
Дастурхонда палов, кўк сомсалари.

Биноларга қара, баланд бинолар,  
Чиндан осмонларни ўпганлари рост.  
Аждодим Навоий, Темур, Кубролар  
Ўқиб, китобдан нур топганлари рост.

Юракда ҳаловат, юртда ҳаловат,  
Одамлар меҳрибон бир-бирларига.  
Саховатли халққа йўлдош саодат,  
Пойма пой чиқяпмиз бахт қирларига.

Бироқ ҳаёт дерлар, бири кам дерлар,  
Қайси юртда байрам, қайдадир ғамлик.  
Пешонадан ҳалол оқсин-у терлар,  
Дунёга ярашар фақат бирдамлик.

Келажакка интил, ўтирма кутиб,  
Ҳеч ишинг бўлмасин ғафлатлар билан.  
Қайдадир болалар қурол кўтариб,  
Жангларга кирмоқда нафратлар билан.

Тасаввур қилдингми? Ишон, азизим,  
Чиндан ҳам бахтлигимиз, бахтиёрлармиз.  
Бизни бахтсиз дея айта олар ким?  
Дунёда энг буюк бахти борлармиз.

Бу бахт - мустақиллик, тинчлик, аҳиллик,  
Шижоат беради қалбдаги шахдга.  
Кўзмунчоқ бўлайлик, қалқон бўлайлик,  
Ҳаловат деган бу мафтункор бахтга.

## **ҚИШЛОҚҚИНАМ**

Толпопуклар тақиб олган қизалоқлар,  
Ён атрофи гул-у райҳон, қизғалдоқлар,  
Болаларнинг қўлларида қўғирчоқлар,  
Қишлоққинам, шаҳарлардан зиёдамсан,  
Имон тўла, номус тўла кошонамсан.

Эрта тонгдан файз киради ҳовлиларга,  
Меҳмон келса жойлашади сўриларга,  
Эҳтиромим маслаҳатгўй қариларга,  
Қишлоққинам, қалбимдаги зиёдирсан,  
Дунё ичра энг фусункор дунёдирсан.

Кетмон, дала, меҳнат билан ўртоқ бўлган,  
Ҳалол ишлаб икки қўли қадок бўлган,  
Қалби оққуш қанотидай оппоқ бўлган,  
Қишлоққинам, отамдайин улуғимсан,  
Буюгимсан, сен қадами қутлуғимсан.

Тонг саҳардан кулча ёпган меҳрибоним,  
Лаззатлидир ҳар дақиқа ўтган оним,  
Чечаклари кулиб турган гул бўстоним,  
Қишлоққинам, онамдайин меҳрлисан,  
Майин алла оҳангидек сеҳрлисан.

Дўппилари қудрат берган тоғаларим,  
Белбоғлари ярашган алп оғаларим,  
Ёзганларим бари сизга совғаларим,  
Қишлоққинам, уриб турган юрагимсан,  
Беланчагим, ўзинг меҳри керагимсан.

Ҳар майсаю, улоқларинг азиз менга,  
Оби ҳаёт булоқларинг азиз менга,  
Ниҳол унган тупроқларинг азиз менга,  
Қишлоққинам, отамдайн улуғимсан,  
Буюгимсан, сен қадами қутлуғимсан.

### **СЕНИ СЕВАМАН**

О Ватан, боғингга кўрк кўшиб турган,  
Битта ниҳолингман, битта ғунчангман.  
Чаманлар ичинда хониш-ла юрган,  
Бахтиёр, сайроқи, митти қушчангман.

Қара, чўққиларни забт этмоқда-ку  
Бағрингда бўй чўзган ҳар гул-у ниҳол.  
Карвонинг манзилга зўр кетмоқда-ку,  
Абадий қалбларда яшнаганча қол.

Сойларда ўйнаган шалолалардан,  
Маърифат оқмоқда мурғак юракка.  
Ўзбекча чой тўла пиёлалардан,  
Кучлар кўшилади бизнинг билакка.

Қизларнинг қирқ ўрим кокилларида  
Дунёнинг қирқ мингта зийнати бордир.  
Айланай, дейдиган момоларимнинг  
Сўзида оламнинг ҳикмати бордир.

О, Ватан, қалбимнинг шамчироғисан,  
Сен менинг Каъбамсан - таъзим қиламан.  
Саодат бонг урар қўнғироғимсан,  
Онамни севгандай сени севаман.



## **БУХОРИЙНИНГ БАРОКАТИ ЁҒАН ВАТАН**

Ният билан енг шимарган иш бошидан,  
Зиё нури таралади куёшидан,  
Жонини ҳам аямаган сафдошидан,  
Яратганнинг саодати ёғган Ватан,  
Бухорийнинг барокати ёғган Ватан.

Китоб тўла нурхоналар обод бугун,  
Юракдаги эзгу ғоя озод бугун,  
Меҳр устун, виждон устун, иймон устун,  
Яратганнинг саодати ёғган Ватан,  
Бухорийнинг барокати ёғган Ватан.

Оқ бинолар - пок мақсадлар нишонаси,  
Ишонч билан кулиб боққан замонаси,  
Ҳар сўзида “халқим”, дейди юрт отаси,  
Яратганнинг саодати ёғган Ватан,  
Бухорийнинг барокати ёғган Ватан.

Бахтдан кўзи порлаб турган гўдаклари,  
Гул бўлгайдир умидларнинг куртаклари,  
Ер кўрмаган полвонларнинг кураклари,  
Яратганнинг саодати ёғган Ватан,  
Бухорийнинг барокати ёғган Ватан.

Аждодларни ардоқлаган авлодлари,  
Бахт йўлида мустаҳкамдир қанотлари,  
Келажакнинг ишонгани, нажотлари,  
Яратганнинг саодати ёғган Ватан,  
Бухорийнинг барокати ёғган Ватан.

## ИЗЛА

Бизни биздан ажратиб бўлмас,  
Яхшиликка елкадош жонмиз.  
Биз яшнатган ниҳоллар сўлмас,  
Ҳар биримиз Ўзбекистонмиз.

Агар шодлик, бахт изласанг, бир бутун жон бўлиб изла,  
Кибр-у алам, қасддин айро асил инсон бўлиб изла.

Қабоҳатни, разолатни, адоватни йироқ қилиб,  
Ҳалол меҳнат, сабр-тоқат, тоза виждон бўлиб изла.

Мен деганнинг ҳар сўзини биз демоққа ўзгартириб,  
Буюк йўлга етакловчи аҳил қарвон бўлиб изла.

Юрак деган гулистонга меҳр ила бино куриб,  
Ҳар ёмондан асрагувчи қалин қалқон бўлиб изла.

Қилган яхши амалидан, савобидан қувонч топиб,  
Қайғу қаросидан нари, дили шодон бўлиб изла.

Улуғ замин кучоғида муаттар гул, ниҳол экиб,  
Яшнаб, яйраб, чирой очиб боғ-у, бўстон бўлиб изла.

Эй Ёрқинжон, изласанг шу топроғига зарра бўлиб,  
Ҳар кадамда фахр билан Ўзбекистон бўлиб изла.

## ТОР КЎЧАДА

Қишлоғимнинг сердарахт, кенг кўчалари,  
Юрагимда ҳаловатнинг майдонидир.  
Тонг саҳардан сувлар сепган чечалари,  
Соддагина меҳнаткашлар имонидир.

Тор кўчада юраги кенг инсонлар бор,  
Яхшиларга талпинади булоқлари.  
Софдилликда гўдакка тенг инсонлар бор,  
Бир ҳосилни минг қилади тупроқлари.

Етмиш баҳор қарши олган боболарнинг  
Қўлларида ҳасса эмас, кетмони бор.  
Бойликнимас, бола суйган момоларнинг  
Невараю чеварадан бўстони бор.

Меҳр учун хайкал қўяй десангизлар,  
Оламда энг бахтли бўлай десангизлар,  
Эй шаҳарлик дўстлар, амин бўлажаксиз  
Мўъжазгина қишлоғимга келсангизлар.

## ТОКИ

Танамда то айланаркан қон,  
Токи бўстон бўларкан бу ер,  
Қадрдоним, сўзимга ишон,  
“Она Ватан” деб ёзаман шеър.

То кўзларим дунёни кўриб,  
Юрарканман оёқларимда,  
Момоларим юзларин ўпиб,  
Боғ яшнатай тупроқларимда.

То забоним айтаркан сўзни,  
Куйлайдирман эл қудратини.  
Камол топган ҳар ўғил-қизнинг  
Юртбошига садоқатини.

То жисмимда ураркан юрак,  
Халқнинг ҳалол нон-тузини еб,  
Миллат учун яшашим керак,  
Муқаддасим - Ўзбекистон деб!

## ЎЗБЕКИСТОН ДЕЯ

Ой кизлар сочлари ўрим, жамалак,  
Мардлар бор - яқиндир буюк келажак,  
Мурғак чақалоққа тўлсин беланчак,  
Жўшқин дарё каби тўлиб-тошайлик,  
Ўзбекистон дея ёниб яшайлик.

Мард ва матонатли юртбошимиз бор,  
Омад, қувонч, бахтлар бўлсин мадақдор,  
Маърифатсизларга қўшилмай зинҳор,  
Қалбга саодатдан гилам тўшайлик,  
Ўзбекистон дея ёниб яшайлик.

Дунёлар энтикиб ҳавас-ла боқсин,  
Қалбимиз шодликдан кўзмунчоқ тақсин,  
Меҳр булоғидан саховат балқсин,  
Жадал қадамларни дадил ташлайлик,  
Ўзбекистон дея ёниб яшайлик.

Дуолар ёғилсин нуронийлардан,  
Ифтихор айлайлик фидойилардан,  
Заковат меросдир Навоийлардан,  
Эртанги кун учун ҳисса қўшайлик -  
Ўзбекистон дея ёниб яшайлик.

Чин инсон Ватанни эъзозлар ҳар дам,  
Билингиз, меҳрга ташнадир одам,  
Илм-у маърифатга бойисин олам,  
Жаннатмакон юртда даврон сурайлик,  
Ўзбекистон дея ёниб яшайлик.

## **БОЛАНГМАН**

Ватан, сен онасан - меҳрни туйган,  
Ватан, сен отасан - фарзандни суйган,  
Ватан, сен - фаҳрни юракка қуйган,  
Ватан, сен - қадрга ҳайкаллар қўйган,  
Болангман - муҳаббат, бахтларга тўлган.

Шаҳринг-у қишлоғинг, даштинг суюкли,  
Тантана, давронинг, гаштинг суюкли,  
Биолар яратган ғиштинг суюкли,  
Соддадил элингга ишқинг суюкли,  
Болангман - муҳаббат, меҳрга тўлган.

Саҳрони яшнатган боғим, гулзорим,  
Элим деб куйлаган овозим, торим,  
Буюк карвондаги савлатли норим,  
Очунни ҳайратга солган диёрим,  
Болангман - муҳаббат, бахтларга тўлган.

Эзгулик йулида югурган саман,  
Устозлар ўгитин тинглаб дафъатан,  
Қурамиз чиройда тенги йўқ чаман,  
Мардларнинг маскани муқаддас Ватан,  
Болангман - муҳаббат, бахтларга тўлган.

## **БУЮК МУҲАББАТ ЙЎЛИ**

Сиз чеккан дардларни тоғларга ортса,  
Тоғлар кулагуси, қўпорилгуси.  
Сиз ижод қилган ҳар қоронғи кеча  
Қаламдан таралган нурга тўлгуси.

Сизнинг ҳар сўзингиз - олам қудрати,  
Мунис оналарнинг меҳри бўлиб жам.  
Бугун сиз туғилган нурли айёмни  
Бугун Ўзбекистон қилади байрам.

Баҳор келаётир, ғам кетаётир,  
Ҳаммамиз соғинган нурли фасллар.  
Шеърларингиз тинглаб тонг отаётир,  
Улар тенги йўқлар, улар асиллар.

Буюк Ипак йўли ўтгани учун  
Фаҳрга тўлади башарнинг дили.  
Пойтахт-у Жиззахни боғлаб туради,  
Улуғ шоирларнинг муҳаббат йўли.

Зулфия зулфида нурлар югурган,  
Бир шоира бўлган - кўрмоқдир армон.  
Сизга севги билан яшаб ўтган-ку  
Шоирлар шоири Ҳамид Олимжон.

Бугун ўқиямиз дostonларингиз,  
Улар тафаккурнинг соф, тиниқлари.  
Йиллар йўлларида эртақ сўзлайди  
Ўша хотиранинг минг синиқлари.

Сиз чеккан дардларни тоғларга ортса,  
Тоғлар қулагуси, қўпорилгуси.  
Сиз ижод қилган ҳар қоронғи кеча  
Қаламдан таралган нурга тўлгуси.

Ғамларни юважак салқин саҳарлар,  
Сизни ўқимокда дунё - ёш, қари.  
Яна орамизда, албат, туғилар  
Ўзбекнинг кўзмунчок Зулфиялари.



## **ХАЛҚИМ МЕНИНГ**

Сабри тоғдек, меҳр билан кулиб боқар,  
“Бисмиллоҳ” деб тандирига олов ёқар,  
Меҳмон бўлинг, елкангизга суйиб қоқар,  
Ўзбекистон - ўзига бек халқим менинг,  
Шу диёрда туғилганим бахтим менинг.

Саховатдан дарёси бор юрагида,  
Куч-ғайратнинг вулқони бор курагида,  
“Юртим омон бўлсин” дейди тилагида,  
Ўзбекистон - ўзига бек халқим менинг,  
Сенга хизмат қилмоқ абад аҳдим менинг.

Водий, воҳанг бир-биридан ўзмоқ истар,  
Келажакни буюк қилиб тузмоқ истар,  
Шоирларинг мадҳингга шеър ёзмоқ истар,  
Ўзбекистон - ўзига бек халқим менинг,  
Ватаним деб ёниб яшаш - шахдим менинг.

Марғилоннинг ҳонатласи дунё кезар,  
Наманганда сара гуллар юртни безар,  
Андижонда бахтли яшар бани башар,  
Ўзбекистон - ўзига бек халқим менинг,  
Мангу ижод бўлсин мудом тахтим менинг.

Маърифати соат сайин юксалган юрт,  
Елкасига Ҳумо кўнган, бахт кўнган юрт,  
Юксакка уч, тупроғини кўзингга сурт,  
Ўзбекистон - ўзига бек халқим менинг,  
Ҳам шавкатим, ҳам шуҳратим, шаъним менинг.

Жиззах сомса, Бахмал олма еганмисиз?  
Сирдарёнинг балиғини кўрганмисиз?  
Ҳеч бўлмаса, Самарқандга келганмисиз?  
Ўзбекистон - ўзига бек халқим менинг,  
Қалбимдаги минорларга нақшим менинг.

Алп йигитлар юрти Сурхон - эл боғидир,  
Шахрисабз - Темурийлар чироғидир,  
Келган инсон энг кадрли кўноғидир,  
Ўзбекистон - ўзига бек халқим менинг,  
Дил сўзидан дoston бўлган мадҳим менинг.

Қорақалпоқ - кўнгли оппоқ, дилдош элим,  
Эзгу йўлда сен азалий сафдош элим,  
Бухороси заковатга қуёш элим,  
Ўзбекистон - ўзига бек халқим менинг,  
Қучоғига шодлик тўлган бағрим менинг.

Хоразмнинг ҳар бир иши “жонли” бўлар,  
Навойнинг келажоғи шонли бўлар,  
Тошкентимнинг юрагида қуёш қулар,  
Ўзбекистон - ўзига бек халқим менинг,  
Ҳар кун сени қуйламоқлик қарзим менинг.

## ЎЗБЕК ҚИЗИ

Йигит киши гапирганда бошларини эгиб турса,  
Жамалакли ўрим сочи товонига тегиб турса,  
Баҳор маҳал ҳовлисига райхонларин экиб юрса,  
Ана уни ўзбек қизи деб айтсангиз ярашади.

Оразида балққан зиё очунларни ёруғ қилса,  
Борган жойи бахт макони, қадамлари қутлуғ келса,  
Ҳурмат билан, иззат қилиб, истиқболи нурли қулса,  
Ана уни ўзбек қизи деб айтсангиз ярашади.

Ҳар сўзининг замирида минг маънонинг изи бўлса,  
Бибихоним, Офтобойим, Ўзбекойим қизи бўлса,  
Отасининг ор-номуси, онасининг юзи бўлса,  
Ана уни ўзбек қизи деб айтсангиз ярашади.

Зебигардон, тилло учун, бойлик учун талашмайди,  
Бу замоннинг “бузуқ шими” ўзбек қизга ярашмайди,  
“Дугоналар омонми?” деб либос учун курашмайди,  
Ана уни ўзбек қизи деб айтсангиз ярашади.

Тандиридан узиб олса қуёшнусха ширмойларни,  
Ҳаё тўла малоҳати жонлантурса ҳумойларни,  
Бегонадан йироқ айлаб, яширганда чиройларни,  
Ана уни ўзбек қизи деб айтсангиз ярашади.

## ДУЎСЛИК

Икки миллат - бир бутун жон,  
Икки тил - бир қадрият.  
Ўзбегим, тожигимнинг,  
Ўй, мақсади орият.

Дўстлик устун, дўстлик яхши,  
Омон бўлсин, бор бўлсин.  
Ахир удир ҳаёт нақши,  
Меҳр барқарор бўлсин.

Ўзбекистон, Тожикистон -  
Қариндош юрт, чаманистон.  
Юртбошларнинг одиллиги  
Бўлди кўплаб тилда дoston.

Икки миллат тили яқин,  
Орзуга қон, дили яқин,  
Сиз қувонинг, азиз дўстлар,  
Эзгуликка йўли яқин.

Ўзбекистон - она юртим,  
Тожикистон - мангу дўстим,  
Танланган йўл тўғри йўлдир  
Дўстлик учун хурсанд бўлдим.

## **ҲАРАКАТ БИЛАН**

Юксак ислохотлар келажак учун  
Мустаҳкам пойдевор ҳамда мададкор.  
Қишлоқдаги деҳқон боболар бугун  
Қўлни қўлга берган доно, тадбиркор.

Адабиёт ёки илм ҳамда фан,  
Спорт, маданият, маърифат, санъат -  
Буларнинг негизи чин меҳнат ила  
Доимо қилинган буюк ҳаракат.

Дунёни оловга тутмоқ мумкиндир  
Ғазаб-у надомат ва нафрат билан.  
Оламни мунаввар қилмоқ мумкиндир  
Ҳалол меҳнат ҳамда ҳаракат билан.

## КЎЙЛАКНИНГ “ТОЗА”СИ

Карнайнинг садоси таралар қувноқ,  
Куёв жўралари шодликда қайноқ,  
Сарпога солингай ҳаттоки тароқ,  
Ўзбекнинг тўйидай тўйлар бормикан?

Кексалар бошлайди дуоси билан,  
Болалар ширинтой дунёси билан,  
Келинчак гўзалдир хаёси билан,  
Ўзбекнинг тўйидай тўйлар бормикан?

Бир ҳафта олдиндан бошланар бари,  
Ҳашарда қўшнилари, қариндошлари,  
Куёв қуёш бўлса, келин - ой пари,  
Ўзбекнинг тўйидай тўйлар бормикан?

Паловхонтўраси етар ҳаммага,  
Совға олинади қуда-андага,  
Кўйлакнинг “тозаси” катта аммага,  
Ўзбекнинг тўйидай тўйлар бормикан?

Очиқ дастурхонда нон-у чойлари,  
Тоғалар етаклаб келган қўйлари,  
Суннатдан бошланиб, никоҳ тўйлари,  
Ўзбекнинг тўйидай тўйлар бормикан?

## **СИРДАРЁНИНГ ФЕРМЕРЛАРИ**

Кучга тўла эрур кучли билаклари,  
Покизадир эзгу ғоя, тилаклари,  
Ўзбекистон деб уради юраклари -  
Сирдарёнинг шижоатли фермерлари.

Ҳар жабҳада энг олдинда борадилар,  
Салобатли, аҳил бўлиб юрадилар,  
Бирни экиб, минг ҳосилни оладилар  
Сирдарёнинг шижоатли фермерлари.

Ниятимиз - ҳосилига тегмасин кўз,  
Фермерликда бўлиб юрсин ёрқин юлдуз,  
Таърифига оздир минглаб мақтовли сўз,  
Сирдарёнинг шижоатли фермерлари.

Баракага тўлиб борсин хирмонлари,  
Ошиб борсин саодат-у имонлари,  
Ватанимнинг куч-ғайратли инсонлари -  
Сирдарёнинг шижоатли фермерлари.

Миришкорлар, меҳнаткашлар талай чунон,  
Олтин воҳам шундайларга асли макон,  
Дунёларни забт этажак Ўзбекистон! -  
Сирдарёнинг шижоатли фермерлари.

## АСРАБ ЯШАНГ

Муқаддас ер тупроғида унган ниҳол,  
Бўй чўзади кулаётган қуёш сари.  
Дўстим, бундай гўзалликдан сен баҳра ол,  
Ахир бизга ҳавас қилар дунёлари.  
Шу оламга эзгуликлар атаб яшанг,  
Она замин, табиатни асраб яшанг.

Жилғаларда югуради шўх томчилар,  
Бободехқон ҳосилига ҳосил қўшиб.  
Бу халқ ўпиб боласининг бошин силар,  
Ижодкорнинг илҳомлари кетар жўшиб.  
Шу меҳрга кўзмунчоқдек қараб яшанг,  
Она замин, табиатни асраб яшанг.

Ҳар гўшамиз садарайхон, гулга тўлган,  
Осон эмас яшнатмоқлик боғ-бўстонни.  
Кеча хориж сафарига кетган инсон  
Бугун келса, танимайди Гулистонни.  
Гуллар эккан яхшиларни алқаб яшанг,  
Она замин, табиатни асраб яшанг.

Бу боғларга хазонрезги ярашмайди,  
Ниҳол экинг, қуни келиб дарахт бўлар.  
Биз қилмасак, биров келиб қарашмайди,  
Меҳнат билан юракларга зиё тўлар.  
Шу зиёни қалбингизга қадаб яшанг,  
Она замин, табиатни асраб яшанг.



Биласизми, қайлардадир ниҳол унмас,  
Қай юртларда инсоният шўр сувга зор.  
Бахтсиз уйнинг айвонига қушлар қўнмас,  
Қайлардадир гул-ғунчалар чекар озор.  
Бахтингизга минг шукрлар айлаб яшанг,  
Она замин, табиатни асраб яшанг.

### **ЮЛДУЗ ХИЖОЛАТ**

Миллат ифтихори, ғурури, шони,  
Ватан деб урғувчи тандаги жони,  
Ўзбекнинг самимий, ҳалол инсони -  
Ҳорманг пахтакорлар, омон бўлинглар!

Меҳнат улуғлайди ҳар бир кишини,  
Файзи ўзгача-да ҳашар ишини,  
Елгага қўндириб бахтнинг қушини -  
Ҳорманг пахтакорлар, омон бўлинглар!

Момик пахта каби юрагингиз оқ,  
Ҳалоллик белгиси қўлдаги қадок,  
Меҳрини берган-да шу она тупроқ -  
Ҳорманг пахтакорлар, омон бўлинглар!

Яратган яхшига доим йўлдошдир,  
Сиздаги матонат - сабр-бардошдир,  
Ватанни севганнинг қалби куёшдир,  
Ҳорманг пахтакорлар, омон бўлинглар!

Юзингиз нуридан юлдуз хижолат,  
Шаҳдингизни кўриб кундуз хижолат,  
Сизга ёқарми деб, ҳар сўз хижолат,  
Ҳорманг пахтакорлар, омон бўлинглар!

## ЎЗБЕКИСТОНДИР

Қаранг, қандай гўзал бу диёр,  
Осмонўпар бинолари бор,  
Ҳовлисида қиш бўлса ҳамки,  
Доно халқнинг юраги баҳор.

Ўғлонлари мард ва пешқадам,  
Қизлари-чи гўзал жуда ҳам,  
Чирой очар чекка қишлоғи,  
Иродаси тошдек мустаҳкам.

Халқим дея хизмат қилгувчи,  
Матонатни устун билгувчи,  
Меҳнатсевар юртбоши бордир -  
Келажакни буюк қургувчи.

Бу халқ орзу қилиб чарчамас,  
Қизларига ярашар атлас,  
Юртга бўлган муҳаббатига  
Аҳли дунё қилмоқда ҳавас.

Юрак урса Ватан деб урар,  
Йигитлари мардона турар,  
Ободликка шукрона айтиб,  
Нуронийлар даврини сурар.

Бир ёқ Зомин, бир ёғи Бойсун,  
Бу ўлкада меҳрдир устун,  
Катта-кичик ёниб яшайди  
Юрти учун, юртбоши учун.

Ҳар бир уйдан таралар алла,  
Байрамларнинг кўркидир ялла,  
Меҳр билан маслаҳат берар  
Бир болага етти маҳалла.

Муқаддасдир зарра тупроғи,  
Йигитларнинг белда белбоғи,  
Ҳар синовни кулиб енгади  
Бахтдир унинг суянган тоғи.

Чақалоқлар айтган сўз Ватан,  
Ўзбек учун қалбга кўз Ватан,  
Кулгичлари кўрк бериб турган  
Имон тўла, нурли юз Ватан.

Шарқираган сойлари гўзал,  
Саховатли бойлари гўзал,  
Кўпкарида шахдам олишган  
Бойчибордек тойлари гўзал.

Тандирида ширмой нони бор,  
Олтинларга тўла қони бор,  
Гўдакларнинг томирларида  
Бухорийнинг буюқ қони бор.

Чап кўксимда жам бўлган жондир,  
Дала-дашти яшил бўстондир,  
Гулшанлари гўё жаннатдек -  
Муқаддас юрт Ўзбекистондир.

## ҚИШЛОҚ

Асли қишлоқлик, лекин шаҳарда яшовчи инсонлар  
номидан

Қишлоқ, кўчаларинг дилга ҳаловат,  
Яшил майсаларнинг гашти ўзгача.  
Билинар соддалик, меҳр-у саҳоват  
Қилинган меҳнатдан ширин сўзгача.

Тошлардан сакраган кичик жилғалар  
Менга ардоқлидир шаршаралардан.  
Ортиқроқ севаман тупроқ йўлингни  
Шаҳар бағридаги фавворалардан.

Қишлоғим, қишингнинг қаҳратони ҳам  
Шаҳарнинг сояли ёзидан азиз.  
Эрта тонг чумчуқнинг чуғур-чуғури  
Дунёнинг энг буюк созидан азиз.

Қайси пайт бормайин, очиқ юз билан  
Бағрингга босганча кутиб оласан.  
Билдим, шаҳарлардан ўзинг фусункор,  
Бир куни бағрингга қайтиб бораман.

## АБАДИЙ ДЎСТИМИЗ

Маърифат чашмаси асли китобдир,  
Донолик, заковат насли китобдир,  
Буюклар ўгитин жо айлаб ўзга,  
Билим олмосининг қасри китобдир.

Ўқиб-ўрганайлик, кенг имкон бизга,  
Илҳомлар бергувчи шу осмон бизга,  
Китобни онадек муқаддас билган,  
Эркни эъзозловчи гулистон бизга.

Дўстларим, бир тан-у, бир жон бўлайлик,  
Бизнинг зийнатимиз одоблар бўлсин.  
Маърифат, ҳикматга қалқон бўлайлик,  
Абадий дўстимиз китоблар бўлсин.

## МУСТАҚИЛЛИК САОДАТИ

Байрам яқин, юракларда шодиёна,  
Меҳнат қилинг, имкон берди ҳур замона,  
Бахт сурури диллардадир, ғам бегона,  
Мустақиллик саодати осмон-осмон -  
Ўзбекистон, жаннатмакон Ўзбекистон.

Кўнгил боғим гулзорини ораладим,  
Қувончимдан гулдасталар сараладим,  
Боболар дер: “Омон бўлсин болаларим”,  
Мустақиллик шарофати берди имкон -  
Ўзбекистон, жаннатмакон Ўзбекистон.

Мардларининг дарёдайин шиддати бор,  
Гул қизларнинг малоҳати, иффати бор,  
Халқ қалбида шукроналик дастхати бор,  
Мустақиллик улуғлаган эрк-у имон -  
Ўзбекистон, жаннатмакон Ўзбекистон.

Хотиралар қадрланди виждон билан,  
Имон бутун диёнат-у Қуръон билан,  
Боғ парвариш қилмоқдамиз боғбон билан,  
Мустақиллик, маърифатга ўзинг қалқон -  
Ўзбекистон, жаннатмакон Ўзбекистон.

## МАНГУЛИК СЎЗ

(Ўзбекистон Қаҳрамони Ибройим Юсупов хотирасига хурмат билан қорақалпоқлик ижодкор дўстим Азилбек Дабилоннинг ижодидан қилган жажжи таржимам)

Қора толни мактаб, сўзлатган ўзи,  
Олтидан қимматли шеърлари, сўзи,  
Бугун оқшом маҳал тушди ёдимга,  
Ёлқин нур таратди соғинчнинг кўзи.

Тоғларнинг ортидан учгувчи ғозлар,  
Юрагим талпиниб, интилиб ёзар.  
Кўзда томчи-томчи қалқиб турган ёш -  
Сенинг шеърларингдан туғилган қуёш.

Қийинчилик замон эди у вақтда,  
Қоронғу мактабда кўринмас бир нур.  
Миллатнинг бошида мудҳиш иш, “пахта”,  
Бугун замон бошқа, айтамыз шукр.

“Айт сен Ажиниёз кўшиқларидан”,  
Бу сатр, руҳимга нур бўлиб битди.  
Юрагим ғам ютган, бағримда алам,  
Шеърларин қолдириб, Ибройим кетди.

Кетдию, юракка кирди қайтадан,  
Руҳи бораётир мангулик сари.  
Сени ардоқлайди тоабад Ватан,  
Кўпаяр миллатнинг Ибройимлари.

## **ЗАФАР ҚУЧДИНГ**

Меҳнат қилар ҳалолликда, пешонада терлар билан,  
Миришқори тил топишган она замин, ерлар билан,  
Халқим, мадҳинг куйламоқлик саодатдир шеърлар би-  
лан,

Хирмонига ризки билан ғалла тўлган, Сирдарёсан,  
Мирзачўлнинг марвариди, бахти кулган, Сирдарёсан.

Ҳур замонда кулиб яшар турли миллат, қардошимиз,  
Улуғ йўлда меҳр билан мурувватдир йўлдошимиз,  
Бизни қўллар ҳар соҳада ташаббускор юртбошимиз,  
Хирмонига ризки билан ғалла тўлган, Сирдарёсан,  
Қадри баланд деҳқонларга Ватан бўлган, Сирдарёсан.

Алпомишнинг ғурурини юрагида сақлаган халқ,  
Машаққатли кунларда ҳам ҳақиқатни ёқлаган халқ,  
Садоқатда миллатимиз ишончини оқлаган халқ,  
Хирмонига ризки билан ғалла тўлган, Сирдарёсан,  
Мирзачўлнинг марвариди, бахти кулган, Сирдарёсан.

Зафар қучдинг, ишонамиз, зафарларинг давом этгай,  
Ғалабадан қувонамиз, минг шукрки, чарчоқ кетгай,  
Шоирларинг то яшаркан, мадҳинг учун дoston битгай,  
Хирмонига ризки билан ғалла тўлган, Сирдарёсан,  
Ўзбекистон ифтихори, бахти кулган, Сирдарёсан!



## ХАЛҚ СЕВГИСИ

Ўзбекистон халқ артисти Зулайҳо Бойхоновага

Куйланг, опам, куйларингиз аср ошсин,  
Куйлар аро мазмундаги кадр ошсин,  
Юракларда меҳр ошсин, сабр ошсин,  
Дил ёритган бахт чироғи бўлинг, опа.

Куйланг, опам, “Дилдагилар” учун куйланг,  
Саиданинг “Ҳай-ҳай” даги кучин куйланг,  
Аёл зоти муҳаббати, бурчин куйланг,  
Санъатимиз кўз қароғи бўлинг, опа.

Куйламоқлик саодатдир, билган зотга,  
Нола керак, овоз керак бу ҳаётга,  
Назм-у наво қадриятдир одамзотга,  
Садоқатнинг гул, япроғи бўлинг, опа.

Ҳар гўзалнинг бўлса гўзал бир ҳаёси,  
Қўшиқларларда жилва қилса дил зиёси,  
Ҳамишалик ўзбегимнинг Зулайҳоси,  
Халқ севгиси, эл ардоғи бўлинг, опа.

## ЭМАС

Миллийликни унутмоқлик осон эмас,  
Ўзлигини йўқотганлар инсон эмас,  
Кўринишдан гўзал бўлиб, мевалари  
Аччиқ бўлган бўстон асил бўстон эмас.

Чаманни чўл қилгувчилар боғбон эмас,  
Ўз ғамини ўйлайдиган посбон эмас,  
Сохта меҳр, мурувватдан пайдо бўлган,  
Оқибати алдов бўлган имкон эмас.

Ёлғон-яшиқ куйланувчи достон эмас,  
Эътиқодни эрмак қилмоқ иймон эмас,  
Ўзни билиб, ўзгаларни менсимаслик  
Юракдаги энг покиза виждон эмас.

Юрти учун тошлар отган ҳайвон бўлур,  
Саховатда қалби қотган нодон бўлур.  
Кимки, Ватан сўзин қалбга ўйиб ёзса,  
Ана ўша имони бут инсон бўлур.

## АНДИЖОНИМ

Андижоним - кўкни макон тутган элим,  
Бобурини йиғлаб-йиғлаб кутган элим,  
Бугун дилга шукроналар битган элим,  
Мадҳинг куйлаб шеър ёзмоққа лойиқманми?  
Муҳаммаднинг дарёсида қайиқманми?

Чўлпонларнинг кечаси бор, кундузи йўқ,  
Сенга айтар сўзларимнинг сўнгсўзи йўқ,  
Ёшларингнинг сийратида шижоат, чўғ,  
Мадҳинг куйлаб шеър ёзишга лойиқманми?  
Саидага шеърда илми толибманми?

Бобуршунос зиёлилар макони, сен,  
Эзгуликнинг, яхшиликнинг осмони, сен,  
Спорт аро чемпионлар майдони, сен,  
Мадҳинг куйлаб шеър ёзмоққа лойиқманми?  
Турсунойнинг қаламига ошиқманми?

Тилакларим: ҳар дақиқа нурафшон бўл,  
Ўғил-қизинг, танти халққа жонажон бўл.  
Ниятларим шодасини совға қилай,  
Дунёларни мафтун қилар Андижон бўл.

**ШЕЪР БИЛАН ҚЎШИЛИБ ЯШАЙДИ ШОИР...**

## **БАХТ ТОПДИМ**

Меҳрли нигоҳда бизга боққан зот,  
Қалбга тафаккурдан олов ёққан зот,  
Имон дарёсида жўшиб оққан зот -  
Устоз, сабрингиздан қаноат топдим,  
Устоз, қадрингиздан саодат топдим.

“Мурувват” сўзини шиор қилгансиз,  
Менинг куз кўнглимни баҳор қилгансиз,  
Баҳорий боғимни гулзор қилгансиз,  
Устоз, илмингиздан заковат топдим,  
Садоқат топдим мен, шижоат топдим.

Қўлида гул тутган шогирдларингиз,  
Умримнинг мазмуни ўғитларингиз,  
Ушалар пок ният, умидларингиз,  
Устоз, меҳрингиздан фақат бахт топдим,  
Илоҳий муҳаббат, оқибат топдим.

## **ҚАҲРАМОН ЧИРОҚ**

Нурсизгина, қизғишранг, чирок,  
Зулмат билан курашганинг рост.  
Ёнгинангдан ҳар ўтганимда,  
Бормисан, деб сўрашганинг рост.

Атроф қаро, юраклар қаро,  
Қароликда ўтган вақт аро.  
Замин қаро, фалаклар қаро,  
Табиатми ё мотамсаро?

Зулмат ёмон. Қора лашқари  
Тўхтамайди чақириб ғамга.  
Яна бироз чидаб берсанг бас,  
Қуёш бобо келар ёрдамга.

Ана қара, бўзармоқда тонг,  
Дарахт тарар кокиллари.  
Икки бедор севишган юрак  
Кезмоқда ишқ соҳилларини.

Қичқирмоқда хўроз ва ёки  
Бонг урмоқда шаҳарда соат.  
Тунда бўлган қаҳрамонликни  
Билишмайди кўпчилик фақат.

Хўп олишдинг қора тун билан,  
Келаверди, сен ёнавердинг.  
“Қароликни енгар ёруғлик”-  
Сен бу аҳдга ишонавердинг.

Қуёш келди, зулмат йўқолди,  
Гўё қуёш бўлди қаҳрамон.  
Аслида-чи, сенинг меҳнатинг  
Қароликни қилди чалажон.

Қуёш дея ёзилди дoston,  
Қуёш деб шеър тутди ҳар ёқни.  
Мен куйлайман асил қаҳрамон-  
Курашувчан, қизғиш чироқни.

Эй қизғишранг, кадрдон чироқ,  
Зулмат билан курашганинг рост.

## **ҚУВОНИБ ЯШАНГ**

Бир нафас тинмайди соат миллари,  
Сиз учун атайлаб кутиб турмайди.  
Илтимослар қилинг, интилинг, лекин  
Тўхтаган юраклар қайта урмайди.

Ҳар куни шошилинг савоб олгани,  
Ҳаётдан қувониб, шодланиб яшанг.  
Устингиз ямоқли, юпун бўлса ҳам,  
Қалбингиз кийими бўлсин зар, башанг.

Кибрни унутинг, меҳрни эсланг,  
Зеро сиз соғинган инсонлар бордир.  
Баъзилар беҳуда ғийбат қилса-да,  
Лекин кимлар сизга зор, интизордир.

“Бахтиёр инсонман” деган шиорни  
Вужудингиз аро сиз қулфлаб қўйинг.  
Унутинг гинани, ғамни, ғуборни,  
Ҳар лаҳза умрни ардоқлаб суйинг.

Жаҳолат эшигин танбалаб қўйиб,  
Эзгу ишлар сари қадамни ташланг.  
Беш кунлик дунёда меҳрга тўйиб,  
Қулиб шодланганча, қувониб яшанг.

## МАҚТАНАМАН

Ота, қадингизга ярашган кетмон,  
Овозингиз ўктам, кўзингизда чўғ.  
Мақтанма дейсиз-у, мақтанай шу он,  
Сиз каби меҳнаткаш бу дунёда йўқ.

Эсимда, ойдин ой ҳамроҳ кечада  
Шолига сув қараб юрганларимиз.  
Айни ҳосил пишган қутлуғ паллада  
Тунда қоровулдек турганларимиз.

Иссиқда иссиқ чой ичганча енгни  
Шимариб, сув кечиб юрган отам-а!  
Данғиллама ҳовли, қўшқават уймас,  
Савобдан саройлар курган отам-а!

Юзингизни ўпар куёш нурлари,  
Сочингиз силайди тонгги шабнамлар.  
Кенг дала бағрида бағрикенг отам,  
Дунёда жуда кам сиздек одамлар.

Олдинда келажак шундай лаҳзалар,  
Ҳамма қутлар бизни кўнгли шодон деб.  
Бир куни жаҳоннинг минбарларида  
Фахр-ла айтаман “Отам – деҳқон” деб!



## ЭСКИ ЙИЛ БАЙРАМИ

Биз кимни ранжитдик, кимлардир бизни,  
Хафа қилдик ўксик кўнгилларни ҳам.  
Уддалай олмасдан вазифамизни,  
Бир йўқлаб қўймадик сингилларни ҳам.

Арча безатишга етган қўлимиз,  
Онага гул тутмоқ учун етмади.  
Виждонсизлик аро ранжиб эски йил,  
Бекорга бизларни ташлаб кетмади.

Кимларни мақтадик осмонлар қадар,  
Кимларни ерларга урдик беаёв.  
Ҳар босган қадамда минг битта хатар,  
Ҳатто дўстларимиз бўлиб чиқди ёв.

Табриклар йўлладик, “соғ бўлинг”, дея  
Етти ёт, танимас, бегоналарга.  
Афсуски, қалбимиз эшигин очдик,  
Ҳирси куйдиргувчи парвоналарга.

“Ёлғон сўзламадим” деёлмас ҳеч зот,  
Ахир ёлғон билан ўтди бутун йил.  
Аламлар, нафратлар, гиналар билан  
Бизнинг айбимиз деб, қалби тутқун йил.

Меҳр деб меҳрсиз бўлдик ўзимиз,  
Гоҳи синиб кетди, сохта тиргақлар.  
Биздан меҳрибонроқ, оқибатлироқ,  
Оқибат нелигин билмас гўдақлар.

Заминга қадалган қор парча каби,  
Парчага бўлинди юракларимиз.  
Жажжилар бизлардан ўзган замонда,  
Уларга ёқмайди эртақларимиз.

Туғилиш онимиз интизор кутган,  
Бутун муҳаббатин қилиб бизда жам.  
Бизчи, биз уларни ҳар дам унутган,  
Бир бор эсламадик оталарни ҳам.

Янги йил олдидан бошладик байрам,  
Ичдик то мастликни олмагунча тан.  
Кеча кечир дея, ёлвориб Ҳаққа,  
Инсон бугун яна гуноҳ қиларкан.

Эски йил, сен учун ёздим сўнгги хат,  
Биз сендан розимиз, сен ҳам бўл рози.  
Сен кетдинг, биз эса яна саҳнада,  
Яна биз томонда оғир тарози.

Сен кетдинг бахт билан, ё алам билан,  
Биз қолдик янги йил қўшигин айтиб.  
Сени эсламасдан бир бора дилдан,  
Юрибмиз бугуннинг боғида дайдиб.

Янги йил келишин нишонлар кимлар,  
Мен эски йилимни байрам қиларман.  
Эски йил, меҳнатдан оқарган сочинг,  
Икки қўлим билан бугун силарман.

Хайр, ўтган йилим, ўтиб кетган йил,  
Янги йил сендан ҳам келсин ажойиб.  
Файзи ҳар хонадон узра етган йил,  
Юрак ураверсин меҳрга бойиб.

### **КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА**

Кеча кенг дарёда тўфон турганди,  
Бугун қайиқчалар сузиб юрибди.  
Бераҳм тўлқинлар тинмай урганди,  
Ҳўл бўлган елканлар тезда қурибди.

Кеча ёмғир эди, кузнинг ёмғири,  
Барака деганди бобом бир маҳал.  
Бугунчи қуёшнинг қизғиш нурлари,  
Булутлар сайрига бермоқда ҳалал.

Кеча тоғ бағридан қўчганида қор,  
Қўйларнинг тўдаси йўқолди бирдан.  
Аёллар қарғашди, беайб қорни,  
Бугун тўда қайтди, ҳув кичик қирдан.

Кеча онасининг бағридан тушган,  
Улоқча юрмоқчи бўляпти бугун.  
Кеча ўйнаётган жилғалар кўзи  
Қумлар заррасига тўляпти бугун.

Одамчи, у кеча ғамга тўлганди,  
Аламзада эди, деманг жўрттага.  
Бугун ҳам ғазабни енголмаяпти,  
Ўзлигини топса бўлди эртага.

## КЕЧ КУЗАҚДА

Кеч кузақда тўкилган барг,  
Ҳолин кўриб, ўйлаб қолдим.  
Шу ҳам яшнаб тургандику,  
Сарғайишдан бироз олдин.

Тақдири шу, ҳар бир япроқ  
Вақти билан тўкилади.  
Қўлларга ҳам тушиб қадоқ,  
Кучли беллар букилади.

Келмоқ борки, кетмоқ ҳам бор,  
Бу ҳақиқат, аслиятдир.  
Япроқ бўлиб сарғайишнинг,  
Ўзи асли бир ҳикматдир.

Кеч кузақда тўкилган барг,  
Ҳолин кўриб, ўйлаб қолдим.  
Буку ерга ўғит бўлди,  
Мен заминга не беролдим?

Шу баргчалик фойда бермай,  
Яшаб ўтмоқ умр бўлмас.  
“Минг ишловни бергин, аммо  
Ёнмаса у кўмир бўлмас”

Англа инсон, бу ҳаётда  
Бир дарахтга япроқлармиз.  
Не қилсақда оқибатда,  
Тупроқлармиз. Тупроқлармиз.

## **МАРДЛАР СОТМАЙДИ**

Чин ишққа беаёв тошлар отарлар,  
Отилган ҳар тоши дилга ботарлар,  
Ишонган дўстларинг сотса-сотарлар,  
Эл деган вафоли мардлар сотмайди.

Қарғишларга қолиб қорайганда ҳам,  
Борар манзиллари торайганда ҳам,  
Юракнинг азоби зўрайганда ҳам,  
Қалбингдаги пинҳон дардлар сотмайди.

Балки, қуёш сотар, балки булутлар,  
Балки, яхшилигинг бўлгай унутлар,  
Қум босган далалар бир сени қутлар,  
Шаҳарга бегона гардлар сотмайди.

Улар сотса-сотсин, сен сотма зинҳор,  
Қаноатсиз қалбни уйғотма зинҳор,  
Бағрида дунёнинг саодати бор,  
Эл деган муносиб мардлар сотмайди.

Туйғуни сотганлар дилсиз қолажак,  
Ватанни сотганлар элсиз қолажак,  
Нодонлар ҳамиша йўлсиз қолажак,  
Эл деган муносиб мардлар сотмайди.

Инсонни сотганлар одам эмасдир,  
Одамсиз бу олам олам эмасдир,  
Дилимнинг тўрида яралган сасдир:  
Эл деган муносиб мардлар сотмайди.

## СИНФДОШЛАРИМ

Ўқиб бормоқдамиз бир оиладек,  
Гоҳида уришиб, гоҳи талашиб.  
Меҳрга талпиниб, сақламасдан кек,  
Баъзида устоздан баҳо талашиб.  
Дўстлик дунёсида сиз қуёшларим,  
Жонимга яқиним - синфдошларим.

Бирингиз ақлли, бирингиз доно,  
Меҳнаткаш инсонсиз яна бирингиз.  
Қайғу йўламасин сизларга асло,  
Қувончнинг макони бўлсин кўнглингиз.  
Азиз, маслаҳатгўй, сиз - сирдошлари,  
Доим омон бўлинг, синфдошларим.

Дилимни яйратган ўзингиз асли,  
Меҳрингиз кўчаси нурафшон бўлсин.  
Сизни тарк этмасин маърифат фасли,  
Бахт-у иқболингиз ҳамиша қулсин.  
Кучли, матонатли елкадошларим,  
Азиз ва ардоқли синфдошларим.

Эзгу тилакларнинг барчаси сизга,  
Қалбингизда шодлик уйини қуринг.  
Дунёлар тан берсин бардошингизга,  
Ҳеч қачон ғам чекманг, қувониб юринг.  
Умр қарвонида сиз сафдошларим,  
Бахтимга бор бўлинг, синфдошларим.

## **СУМАЛАК ОЛОВИ**

Сумалак пиширдик барча ўртоқлар,  
Мен олов қаладим, ўтинлар ёқдим.  
Кулга айлантирдим аламларимни,  
Қайғуларимни ҳам аямай чопдим.

Наврўз - янги куним, яхши кунларим,  
Эски дардларимни унутдим мана.  
Юрагим қувнади кенгайганидан,  
Ҳамон ҳаяжонда қилар тантана.

Унутдим ёмонлар ёмонлигини,  
Лекин яхшиларни муҳраб қўйдим.  
Кимлардир ўртаган, ўкситган вақтни  
Янглишганлар дея эртакка йўйдим.

Гуллаган дарахтлар, яшил баргларда  
Ҳаётга муҳаббат ҳиссин туяман.  
Дардимни кул қилган Наврўз олови,  
Сенга юрагимда ҳайкал қўяман!

## БЎЛОЛМАДИК

Бу тақдирнинг йўлларида ҳайрон бўлдик,  
Йўл кўринмай қолганида сарсон бўлдик,  
Кимга ортик, кимлар учун армон бўлдик,  
Лекин, инсон бўлолмадик ҳалигача...

Ширин ёлғон таъмларини сезиб кўрдик,  
Садоқатнинг ниҳолини эзиб кўрдик,  
Севдик, ҳатто севгидан ҳам безиб кўрдик,  
Лекин, инсон бўлолмадик ҳалигача...

Меҳрибонлик қилдик жондан бегонага,  
Ҳайвон кўйдик, кўриклар деб остонага,  
Ўхшаб қолдик, ҳирси ёмон парвонага,  
Лекин, инсон бўлолмадик ҳалигача...

Онажон деб, жонимиздан суёлмадик,  
Ишқ дедигу, оташида куёлмадик,  
Ҳаёт ширин, нафсимизни тиёлмадик,  
Лекин, инсон бўлолмадик ҳалигача...

Бахтимиз бут, бу дунёнинг бойи бўлдик,  
Муҳаббатнинг тўлиб оқар сойи бўлдик,  
Кўнгил деган осмонларнинг оyi бўлдик  
Лекин, инсон бўлолмадик ҳалигача...

Ғурур томир, биз оқувчи қони бўлдик,  
Кимга жигар, кимнинг азиз “жони” бўлдик,  
Келдик, кулдик, севдик мана бахтга тўлдик,  
Лекин, инсон бўлолмадик ҳалигача...



## **КУЛИБ ЮРСИН ОНАЛАР**

Атиргулдай хушбўй ифор тегиб тутар,  
Бутун дунё сизга бошин эгиб турар,  
Юракларда бахт насими эсиб турар,  
Гар онангиз ёнингизда кулиб юрса.

Хавотирлар чангалини сололмайди,  
Болам дейди, борини ҳам қизғонмайди,  
Ёлғиз сизни ҳеч кимсага ишонмайди,  
Гар онангиз ёнингизда кулиб юрса.

Ёр дегани кутиб-кутиб ухлар экан,  
Фақат она тунни тонгга улар экан,  
Зиёсидан ер-у замин кулар экан,  
Гар онангиз ёнингизда кулиб юрса.

Ўргилади меҳрин тўшаб пойингизга,  
Исириқлар тутатади жойингизга,  
Жонин қурбон қила олгай жонингизга,  
Гар онангиз ёнингизда кулиб юрса.

Омад куши елкангизга уйин қургай,  
Бахт дегани қалбингизда даврин сургай,  
Ўзидан ҳам ўзингизни яхши кўргай,  
Гар онангиз ёнингизда кулиб юрса.

Меҳр деган сарчашмаси, булоқлари,  
Ёдингиздан чиқмас ширин қаймоқлари,  
Яна қайда улардай тафт қайноқлари,  
Гар онангиз ёнингизда кулиб юрса.

Улар борки, уйингизда зиё бўлгай,  
Тантанаю тўйингизда дуо бўлгай,  
Ярим чақа тангангиз ҳам дунё бўлгай,  
Гар онангиз ёнингизда кулиб юрса.

## КУЧЛИ ИНСОН

Холамнинг набирасига раҳматли энамнинг исмини  
қўйишди...

Порлоқ кўзларингга боқиб, термулиб,  
Фаришта нигоҳин кўргандай бўлдим.  
Жажжи қўлларингга бармоғим қўйиб,  
Поклик эшигидан киргандай бўлдим.

Мурғак танангдаги беғубор юрак  
Бунчалар ажойиб, бунчалар нафис.  
Саодатли бўлиб яшашинг керак,  
Сенда мужассам-ку муҳаббатдан ис.

Энг кучли инсон ким десалар менга,  
Ўйланмай айтаман: митти чақалоқ.  
Майли кичкинадир, лекин ғами йўқ,  
Беташвиш қалби-ла биздан кучлироқ.

Эй кучли чақалоқ - олам қувончи,  
Кучингни йўқотма ҳаёт йўлида.  
Ёдингдан чиқарма юзга кирсанг ҳам,  
Жажжи гўдақдирсан она қўлида.

Дунёда синов кўп, синоатлар кўп,  
Ибодатлар кўпдир, қаноатлар кўп.  
Букилмас ирода, матонатлар кўп.  
Ҳозирча сен онанг юзларидан ўп.

## САБРИМИЗ ЕТАР

Кимнинг кимлигини кўрсатар ҳаёт  
Бошингга савдолар келган маҳалда.  
Дўст бўлиб кўринар бегоналар ҳам  
Омадинг, иқболинг кулган маҳалда.

Бу олтин қоида умримиз аро,  
Бахтиёр дамларда йўқловчимиз кўп.  
Ортимизда туриб, осон қоралаб,  
Олдимизда яна “оқловчимиз” кўп.

Шу кўплар ичида бормикан битта,  
Бизни ўзимиздек кўрадиганлар?  
Ҳеч бир иддаосиз қалбимиз англаб,  
Жонимизга жондош юрадиганлар?

Биродар, эътиқод сушт бўлса агар,  
Узоққа бормайди бахт, қувончимиз.  
Кимлар бу дунёни ёлғончи дерлар,  
Дунёмас, аслида биз ёлғончимиз.

Ёмонлар қуршаса атрофимизни,  
Билгинки, уларни чақирган бизмиз.  
Ўйламай иш қилиб, адашдим дея,  
Надоматлар билан ҳайқирган бизмиз.

Кимнинг кимлигини кўрсатар ҳаёт,  
Унгача кутамиз - сабримиз етар.  
Ўшанда барчасин ўргатар ҳаёт  
Ва бизни синаб у донишманд етар.

## ИЛҲОМ ГУЛЛАДИ

Яна юракларда илҳом гуллади,  
Яна яшармоқда она табиат.  
Адирга бойчечак чиққан маҳали  
Ранго-ранг туйғулар туғилар албат.

Баҳор, диллар учун меҳр нуридан  
Гулчамбарлар осдинг тилаклар билан,  
Ҳушимни йўқотдим бахт суруридан,  
Умидлар уйғотдинг куртаклар билан.

Сенинг ифорингда ўзга маъно бор,  
Чорлайсан кўк сомса, чучвараларга.  
Ўзинг муқаддасан, ўзинг бетакрор,  
Митти майсанг малҳам дил яраларга.

Баҳор, хуш келибсан азиз ўлкамга,  
Марҳамат, ўт тезроқ олам тўрига.  
Биз энди ботмаймиз ташвиш-у ғамга,  
Чунки сен жойлашдинг қалблар қўрига.

Баҳор, баҳоргинам, Баҳоройимсан,  
Ўзинг бебаҳосан, ўзинг фусункор.  
Ҳуснда тенги йўқ гулчиройимсан,  
Фақат кетиб қолма юракдан зинҳор.

## ҲАЁТ ҲАҚИҚАТИ

Ҳаёт саҳросида довонлар бисёр,  
Манзилга ошиққан карвонлар бисёр,  
Бир куни шодликда, бир кун қайғуда,  
Бахти тўқис, бахтсиз инсонлар бисёр.

Кимдир илм билан зафар қучади,  
Кимдир орзусига баланд учади,  
Ҳаётнинг нелигин англолмай кимлар,  
Такаббурлик билан шароб ичади.

Икки тарафимда икки олам бор,  
Бирида шўх қўшиқ, бирда нолам бор,  
Қувонч, хурсандчилик бўлгани каби,  
Умр мобайнида ташвиш, алам бор.

Ташвишни енгмоқлик - доноларга хос,  
Ҳаёт ҳақиқати имонга ихлос,  
Кичик қаламимда ёзилган шеърни,  
Кўнгил кўзингизда ўқинг, илтимос.

Ишонинг ҳалоллик, эзгу ниятга,  
Шунда омад қўнар, албатта, кафтга.  
Юксак мақсад сари бирдам бўлганча,  
Шукроналар айтиб яшаймиз бахтга.

## **БОБО КЕТМОН**

Бобо, сизни соғинган чоғим  
Кетмонингиз қўлга оламан.  
Сиз эдингиз суянган тоғим,  
Баъзи вақтлар ўйлаб қоламан.

Туйғуларим тинглаган ҳам, Сиз,  
Қувонтирган, қулдирган ҳам, Сиз,  
Бугун эса абадий ухлаб,  
Соғинчларда ёндирган ҳам, Сиз!

Гарчи кетмон - жонсиз бир буюм,  
Аmmo унга қўлингиз теккан.  
Фироқларда йиғлайман юм-юм,  
Шу буюм-ла ҳовлимиз чаман.

Маслаҳатлар керак бўлса гар,  
Кетмонингиз қўлга оламан.  
Чукур ўйлаб, ҳаёлот билан  
Дўстингизни гапга соламан.

Сиздан қолган азиз ёдгорим,  
Соғинчларга тўлди осмоним.  
Энди менга “дилдош” бўласан,  
Қадрдоним - “бобо” кетмоним!

## ОНАМ КИПРИГИГА АРЗИМАС ДУНЁ

Сен мени соғиндинг, мен эсламадим,  
Бошқага аталди меҳрли хатим,  
Ўзинг бахтимдирсан, ўзинг омадим,  
Музлаган дилимни ўйгим келяпти.  
Она, кўксингга бош қўйгим келяпти.

Сабримни синашди сабрдошларим,  
Қадримни билмади қаламқошларим,  
Бўғзимдан ўтмайин қолди ошларим,  
Барини эртакка йўйгим келяпти,  
Она, кўксингга бош қўйгим келяпти.

Кимга орзу, кимга бир ҳавас дунё,  
Кимга узун, кимга бир нафас дунё,  
Битта кипригингга арзимас дунё,  
Кулчаларинг хидлаб тўйгим келяпти,  
Она, кўксингга бош қўйгим келяпти.

Яхшилик қилгандан миннатни кўрдим,  
Савоб-у гуноҳни, суннатни кўрдим,  
Сенинг нигоҳингда жаннатни кўрдим,  
Суйсам, фақат сени суйгим келяпти,  
Она, кўксингга бош қўйгим келяпти.

Дунёда дунёдан ортиғим ўзинг,  
Энг буюк неъматим, тортиғим ўзинг,  
Боқий муҳаббатим, борлиғим ўзинг,  
Меҳрингни кучлироқ туйгим келяпти,  
Она, кўксингга бош қўйгим келяпти.



Сенинг кўксинг каби илиқ жой қайда?  
Сенинг юзинг каби тўлин ой қайда?  
Сен борсан, мен каби тенгсиз бой қайда?  
Шодликни бир жойга уйгим келяпти,  
Она, кўксингга бош қўйгим келяпти.

Фаришта юзингни бир силаб қўяй,  
Оёғинг оғриси, уқалаб қўяй,  
Қалбимга меҳрдан ўт қалаб қўяй,  
Алла айт, онажон, уйқум келяпти,  
Она, кўксингга бош қўйгим келяпти.

Чақирсанг ёнингга чопаман, она,  
Бахтимни пойингдан топаман, она,  
Юрган йўлларингни ўпаман, она,  
Суйсам, фақат сени суйгим келяпти,  
Она, кўксингга бош қўйгим келяпти.

## ЭССИЗ ВАҚТ

Биламан: сизларга қийин жуда ҳам,  
Яқин ҳамроҳингиз ўқинч-у алам,  
Сирларингизни-ку кўролмай баҳам,  
Кулса юрагидан кулмайдиганлар.  
Кечирим сўрашни билмайдиганлар.

Мағрурлик қиласиз, эссиз вақт кетар,  
Дунё сизни кутмас, умр нақд кетар,  
Токи қалбингизни манманлик эзар,  
Яқинлашиб юриб бўлмайдиганлар,  
Кечирим сўрашни билмайдиганлар.

Кечирмоқ энг яхши хислатдир асли,  
Кечир деб айтмоқлик - ҳақиқат фасли,  
Бир-бирин ранжитиш гуноҳ эмасми?  
Кўп яшаб, ҳеч савоб қилмайдиганлар,  
Кечирим сўрашни билмайдиганлар.

Гина ўзи недир - энг ёмон иллат,  
Юракка тўлдирманг беҳуда нафрат,  
Ўзни ўзгалардан мақтайсиз фақат,  
Бир гапни қулоққа илмайдиганлар,  
Кечирим сўрашни билмайдиганлар.

Ширин сўз кор қилмас, аччиқ сўз - абгор,  
Ҳолингизни билиб айтаман такрор,  
Майли юраверинг, лекин Худо бор,  
Кулса юрагидан кулмайдиганлар -  
Кечирим сўрашни билмайдиганлар.

Биласиз мағрурлик, димоғдорликни,  
Жойига қўясиз дилозорликни,  
Қачон ўрганасиз беғуборликни?  
Бахт-у саодатга тўлмайдиганлар -  
Кечирим сўрашни билмайдиганлар

### **ЭШИК ҚУЛФИ**

Ота - осмон каби, она - улуғ ер,  
Юзга кирса ҳамки, фақат болам дер.

Улардай беминнат меҳр бўлмагай,  
Отаси борларнинг боғи сўлмагай.

Онаси ҳаётлар омадли, шаксиз,  
Бахтнинг оғушида урган юраксиз.

Маслаҳатим эмас, тилагимки шу,  
Сизга айтмоқ бўлган сўзларим ушбу:

Жаннат эшигига қулф илиб қўйманг,  
Ота-онангизни ранжитиб қўйманг!

## ЎКИНЧ

Муҳаммад Юсуфнинг “XX аср” шеърідан илҳомла-  
ниб...

“Фарходлар видеога термулиб ўсар,  
Ширинлар бир-бирин сочини кесар”.  
Муҳаммад Юсуфнинг дардин ким билар,  
Тенгдошим, сафдошим, бу қандай ҳолат?

Салом берилсаю, алик йўқ бўлса,  
Каттаю кичикда бирдек дўк бўлса,  
Ҳаёли яшасин, майли шўх бўлса,  
Тенгдошим, сафдошим, бу қандай ҳолат?

Тўрттадан зиракка тўлгандир кулок,  
Ёшлар хаёлидан йўқолди “Улоқ”,  
Юрагим жунбушга келмоқда шу чоғ,  
Тенгдошим, сафдошим, бу қандай ҳолат?

Ким ўйлаб чиқарган мини-юбкани?  
Бўлмағур ишларга кетса топгани!  
Нечун ўйлантирмас вақтнинг чопгани,  
Тенгдошим, сафдошим, бу қандай ҳолат?

Номардни мард деса чидаб бўлмайти,  
Кучсизни алп деса чидаб бўлмайти,  
Харсангни қалб деса чидаб бўлмайти,  
Тенгдошим, сафдошим, бу қандай ҳолат?

Интернет дегани - ўткинчи ҳавас,  
Кўрганда қувнайсиз атлас-у адас,  
Замон деб дўппидан кечмоқ яхшимас,  
Тенгдошим, сафдошим, бу қандай ҳолат?

Ният-у арзимиз: олам бор бўлсин,  
Миллий қадриятлар улуғвор бўлсин,  
Маънавий боғимиз чаманзор бўлсин,  
Юртимиз нурафшон, бетакрор бўлсин.

## ТОҒЛИК МОМО НИЯТИ

Жигитлар жигитдек серқувват,  
Узунсоч ойқизлар бор бўлсин.  
Ҳар чаман боғида минг дарахт,  
Тоғининг учида қор бўлсин.

Оталар қўлида улови,  
Эналар ушлаган урчуғи.  
Меҳнаткаш қизимнинг куёви,  
Соғ бўлсин элимнинг уруғи.

Жездалар тагида тулпори,  
Холалар сигирлар соғишсин.  
Тўйида тўхтамай алёри,  
Невара, эвара қовушсин.

Адирда қўйларнинг галаси,  
Эчкилар кўпайса кунданкун.  
Ўйнаса боламнинг боласи,  
Яна не бахт бордир мен учун?

Бахтимдан бахтиёр бўламан,  
Меҳримдан қасрлар қураман.  
Ниятим: шундайин хур юртда  
Ҳали кўп қувониб жураман.

## УЙҚУ

Қора тун. Зулматга тўлганда замин  
Менинг хонам аро шуъла таралар.  
Ижодни баркамол этгувчи сокин  
Муҳит оғушида шеърлар яралар.

Туғилган ашъорнинг ойдир дояси,  
Маъсум нигоҳидан илҳом оламан.  
Юракда ҳаловат, тинчлик сояси,  
Аммо ўйлайман-у, ухлаб қоламан.

Уйқу, ижодимга душманмисан сен,  
Нечун ширин тафтинг сари чорлайсан?  
Қанча шеърларимни ёзолмайман мен,  
Қалбимни қаҳратон қилган қордайсан.

Бироқ хаёлимда барча ёзганим,  
Ахир бахтим шудир - ижод қилишим.  
Биламан, уйқужон, сенга ҳам ёқмас  
Тонгдан то кечгача бирдек нолишим.

Майли, чорлайвергин, бироқ бормайман,  
Тунни тонгга улаб ижод қилурман.  
Оромингни олгин десалар онам,  
Балки бирозгина ухлаб олурман.

“Уйқу, ижодимга душманмисан сен...”

## ДЎСТЛИК НАФАСИ

Беш кунлик дунёнинг саодатлари  
Билинар беш вақтлик намозларида.  
Ҳақиқий дўстликнинг шафоатлари  
Кўринар ҳаётнинг аёзларида.

Қаҳратон совуқда қолган юракни  
Яна не илитар меҳрдан ортиқ?  
Яқиннинг юкига тутиб куракни  
Яшамоқ бахтини беради борлиқ.

Борлиқнинг боғида бўй чўзган ниҳол  
Якка яшнолмайди ҳеч танҳоликда.  
Ҳаётинг етганча дўст тутиниб қол,  
Меҳр энг олийси - бебаҳоликда.

Бир куни шу фурсат келади ҳали,  
Кўкларга етажак айтган куйимиз.  
Дўстларни бир жойга йиққан маҳали  
Торлиқ қилиб қолар катта уйимиз.

Ҳайҳотдек ҳовлида ягона бўлиб,  
Танҳо қолмоқликдан худо асрасин.  
Қай ерда бўлсақда шодланиб, қулиб,  
Ҳис қилиб яшайлик дўстлик нафасин.



## ҚАДР ҒУНЧАСИ

Қулоғида қулоқчин,  
Замонавий ҳаммаси.  
Жиянини танимас  
Жигар хола, аммаси.

Замон, замон деймиз-у,  
Замон ҳамон жойида.  
Инсонлар ўзгаради  
Кашфиётлар пойида.

Телефонда хол сўраб,  
«СМС» табрикнома.  
Интернетни-ку ўраб,  
Айтаяпмиз ҳангома.

Муҳаббатнинг хатлари  
Хабарлар бўлиб қолди.  
Наҳот кадр ғунчаси  
Яшнамай сўлиб қолди?

Телефони зўр бўлса,  
Шу безак инсон учун.  
Калта ўйлама асло,  
Ундан ҳам бордир устун.

Ўша устун - китобдир,  
Биз мағзини топамиз.  
Китоб ўқиган ёшнинг  
Пешонасин ўпамиз.

## ҲАҚИҚАТ

Кеча гул ҳидига тўйган арини  
Бақа “тушлик” қилди ўша куниёк.  
Балиқнинг хўраги бўлиб шу бақа,  
Узоққа бормади қувончи бироқ.

Балиқ ҳам тутилди инсон томондан,  
Энди тангалари шилинар тайин.  
Ҳаёт ҳам тинимсиз синайверади,  
Инсон балиқларни қийнагандайин.

## **ЭНГ БУЮК САВОБ**

Дўстим, бугун яна битта кун ботди,  
Яна тонг отиши мумкин, албатта.  
Лекин умр битта кунни йўқотди,  
Яхшилик қилдикми, айтгин, шу вақтда?

Кўзларимиз кўрди бобо куёшни,  
Яна нафас олдик, демак, тирикмиз.  
Лекин ишлатмасдан яшасак бошни,  
Билгинки, ғафлатга биз ҳам шерикмиз.

Қара, бўй чўзибди экилган ниҳол,  
Сўлиб ҳам қолибди анов биттаси.  
Кетиб бормоқда-ку вақтимиз увол,  
Бизларда ўткинчи ҳою ҳаваси.

Нега ўтирибмиз? Нега биз жиммиз?  
Нега ишимизда унум йўқ, дўстим?  
Яхшилик қилишдан беҳабар киммиз?  
Ўйламай ётган бир туним йўқ, дўстим.

Олам яралганки, ўтиб борар вақт,  
Одам яралганки, ўйламас онни.  
Айшу ишрат билан яша деб фақат  
Худо бермаган-ку тандаги жонни.

Юр энди, бир савоб қилмоқлик учун,  
Изласак, чорасин албат, топамиз.  
Энг буюк савоб деб, мушфиқ ОНАнинг  
Муқаддас оёғин бугун ўпамиз.

УМРИМ – НИШОН

Дўстим Д.га

Ҳаёт, мени қийнама, ҳаёт,  
Юраккинам чидай олмайди.  
Шунча зарба берганинг камми?  
Бошқасини кўтаролмайди.  
Юраккинам кўтаролмайди.

Ҳаёт, мени қийнама, ҳаёт,  
Гуноҳкорлик қилганимча йўқ.  
Эртак эмас ёзилган баёт,  
Умрим - нишон, вақт - қадалган ўқ.  
Ўқ жойига қайта олмайди.

Ҳаёт, мени қийнама, ҳаёт,  
Сабр косам тўлмаган ҳали.  
Қаноатсиз бўлдимми ҳайҳот,  
Синовдаги давр маҳали.  
Қаноатсиз кўнгил тўлмайди.

Ҳаёт, мени қийнама, ҳаёт,  
Орзуларим адоғи бўлмас.  
Ёзганларим ёкмаса наҳот,  
Лекин умид ғунчаси сўлмас.  
Мақсадларим асло сўлмайди.

Ҳаёт, мени қийнама, ҳаёт,  
Қийинчилик бошимга солма.  
Юрагимни ёруғ қил, обод,  
Ғунчаларин сен узиб олма.  
У ғунчалар бир кун гуллайди.

Ҳаёт, мени қийнама, ҳаёт,  
Ҳақиқатни устувор билгин.  
Синовларда тоблаб ҳар зотни,  
Чин ҳазрати инсонлар қилгин.  
Жим яшашга юрак кўнмайди.

Ҳаёт, мени қийнама, ҳаёт.

## ИЛҲОМБАХШ ДАРАХТ

Сирдарёнинг сирли бўйида  
Ўйга тўлдим хаёлот билан.  
Хаёлпараст дея ўйламанг,  
Сухбат курдим наботот билан.

Райхон, ялпиз, гул-у лолалар  
Саломини йўллади менга.  
Дўстим дарахт дейди: “Ҳой бола,  
Ғамгин туриб қолибсан нега?”

Дедим: “Илҳомимдан хафаман,  
Келмай кўйди анчадан бери.  
Ёзилмайди неча ойдирки  
Дилгинамнинг биронта шеъри!”

Дарахт секин бошини эгиб,  
Деди: “Дўстим, бир хато қилдинг.  
Сенга илҳом бера олмайман,  
Гўзаллигим қолмаган менинг.

Танам заиф, шохлар бор холос,  
Яхшиси сен лолазорга бор.  
У ерларда айтган илҳоминг  
Жилваланар тенгсиз, фусункор!”

Айтдим: “Дарахт, ўзинг илҳомбахш,  
Сендан яхши дўстим йўқ ахир.  
Ўзинг доно, ўзинг меҳрибон,  
Паноҳида асрасин тақдир!”

Оддий дарахт айтган сўзларда  
Қанча маъно, қанча мазмун бор.  
Қамтаринлик ила камолот  
Барчамизга бўлсин мададкор.

Шоир шеъри тугамас асло,  
Табиатдек дўсти бор экан.  
Илҳом боғлаб қўйилганидек  
Шоир учун интизор экан.

## ШЎРЛИК ОНА

Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” асаридаги фарзанди ҳажрида ҳушидан айрилган Қурвонбибига

“Зеби, Зеби, Зебона,  
Мен кўйингда девона” -  
Дея қанча зорланди,  
Бечора, шўрлик она.

Фарзанд ҳажри ёмондир,  
Она буюк инсондир,  
Фарзанд яхши бўлса гар,  
Волида ҳам омондир.

Она қачон тинч ухлар?  
Боласи соғлом бўлса.  
Она қачон шодланар?  
Фарзанди дилдан кулса.

Ўн беш кун ёруғ бўлса,  
Ўн беш куни қоронғи.  
Энг оромбахш нарса не?  
Она бағрида уйқу.

Шундай экан, азизлар,  
Асрайлик онамизни.  
Ахир, улар келтирган  
Дунёга ҳаммамизни.



## САХОВАТ САНДИҒИ

Боймисан, камситма ўзгани,  
Олтин, зар - ўткинчи бир ҳавас.  
Титради қўлларим ёзгани,  
Манманлик, кибрлар яхшимас.

Зар билан ўлчанса қадримиз,  
Инсоний туйғулар қаёқда?  
Кибрга чулғанса қалбимиз,  
Музлаган тан қолар оёқда.

Устимиз бут бўлиб юрсагу,  
Либоси юпунга қулсак биз.  
Шодланиб давронлар сурсагу,  
Йиғлаган инсонни турсак биз.

Туртганни туртади бу дунё,  
Юракка етса гар оҳ-воҳим.  
Сўзимни тасдиқлар кенг само,  
Манманни хушламас Аллоҳим.

Машина - энг сўнги русумда,  
От минган устидан қулманглар.  
Боболар дер “Илми нужум” да:  
Дунёга асло хирс қўйманглар.

Қаддингни тик тут-у, лекин бош  
Кўкларга қараса кибрдан.  
Чалинар оёғинг, эй дилдош,  
Кел, дарахт экамиз меҳрдан.

Шукр қил, оддийлик одатинг,  
Камтарлик - комиллик дараги.  
Тинч юртда яшамоқ - омадинг,  
Пок бўлсин ҳар инсон юраги.

### ДЕРАЗА ОРТИДА

Дераза ортидан қараб ҳовлига,  
Барглар шивирига кулоқ тутаман.  
Шаббода ўйинга туширган дарахт  
Қувончини кўриб, ғам унутаман.

Ўйна, дарахтгинам, миннатдор бўлиб  
Япроғинг силкитган шаббодалардан.  
Чарчама сира ҳам, рақсга тўйма,  
Йироқсан ҳаётий кўп нолалардан.

Унутаи ташвишнинг товланишини,  
Бироз табиатдан баҳра олайин.  
Ўйнаган дарахтнинг гўзаллиги деб,  
Дераза ортида мангу қолайин.

## ДЎСТЛИК АЙТИЛМАЙДИ

Дунёда дўстим бор деб жар солганлар,  
Меҳр деб яхши сўз, совға олганлар,  
Аммо қадриятдан ортда қолганлар,  
Дўстлик айтилмайди, юрак сезади.

Ғамгин онингизда йўқлаб турсалар,  
Эзгулик, бахт томон чорлаб турсалар,  
Улар ҳақиқийдир, содиқ бўлсалар,  
Дўстлик айтилмайди, юрак сезади.

Жар солиш сохталик, алдовнинг иши,  
Қадрингиз билади қадрдон киши,  
Меҳрдан баҳордай ўтади киши,  
Дўстлик айтилмайди, юрак сезади.

Соғиниб юришса бир-бирларини,  
Дўстига илинса қалб сирларини,  
Абадий боғлашса тақдирларини,  
Дўстлик айтилмайди, юрак сезади.

Дўстим демоқ учун бир сўз кифоя,  
Садоқат сеҳрига йўқдир ниҳоя,  
Қалбларни забт этар эзгу бир ғоя,  
Дўстлик айтилмайди, юрак сезади.

Ниятим: дўстликни қилманг ўйинчоқ,  
Ҳаёт ўзи саҳна, бизмиз кўғирчоқ,  
Майлига минг яқин бўлсангиз, бироқ  
Дўстлик айтилмайди, юрак сезади.

## БОҶИНГ ҚЎЗИЧОҚЛАРГА

Кимлар мартабадан иморат қилса,  
Мен орзу ғиштидан қасрлар курдим.  
Кимлар севинчидан шодланса, кулса,  
Уларга қўшилиб мен хурсанд бўлдим.

Чумолини дўстим деб эркаладим,  
Капалакка сирдош, кадрдон бўлиб.  
Она тупроқ учун шеърлар атадим,  
Қилган амалимдан қувончга тўлиб.

Эрта тонг. Хўрознинг қичқириқлари  
Бебаҳо қўшиқдай қалбим силайди.  
Жажжи чақалоқнинг шўх қилиқлари,  
Янгам бешик узра жим аллалайди.

Алланинг оҳанги майин сабодек,  
Киприкларим аро қувлашиб юрар.  
Яна ким меҳрибон деҳқон бободек,  
Кўрганига ҳосил улашиб юрар.

Назмда Навоий ушлаган қалам  
Учидай қадримни тополмасман лек.  
Шу қалам савлатин тушуниб, англаб,  
Бўлмоқни истайман буюк ҳазратдек.

Ҳамёнингиз тўла зар бўлмаса-да,  
Майлига, қалбингиз иймонли бўлсин.  
Ниятим, сахийни дунё мақтаса,  
Оламда ҳар кимса виждонли бўлсин.

Яқиним, биродар, қадрдонгинам,  
Ғамни улоқтиринг ҳув узоқларга.  
Бесўроқ дилингиз ўртаса алам,  
Боқинг тоғда чопган қўзичоқларга.

Яшанг бу дунёда бахтлиман дея,  
Зотан, бахтингизга тегмасин кўзлар.  
Шодлик маржонини тақамиз бирга,  
Нодонлар камайсин, кўпайсин дўстлар!

### **АСРАГИН**

Ўз ишини эплалмас нодонлардан асрагин,  
Ўзгаларни кўролмас ҳайвонлардан асрагин.

Дўстлигини қилиб пеш, дил боғин этиб пайҳон,  
Дўстликка арзимас дўст, ёронлардан асрагин.

Одамларга қўшилмай, яккаликда қийнаб жон,  
Жисми тирик, лек руҳи ўлғонлардан асрагин.

Юз минг бора ўзгариб, разолатда бўлиб хон,  
Фариштадек кўринган шайтонлардан асрагин.

Эй Художон, дунёда нафрат, қабоҳатлардан,  
Ёзишимга улгурмай қолғонлардан асрагин.

## БАХТ ГИЛАМИ

Самарқандда бир қиз яшайди,  
Юрагида меҳр ғунчалар.  
Тўмарисга чиндан ўхшайди,  
Қаноати юксак бунчалар.

Самарқандда бир қиз яшайди,  
Интилади мақсадлар сари.  
Дўстларини шодон айлайди,  
У ғам деган кулфатдан нари.

Ҳаёт номли улуғ мактабда  
Яхши баҳо олиб келяпти.  
Самимият, саодат деган  
Танловларда ғолиб келяпти.

Нигоҳида Бибихоним бор,  
Бухорийдек билимга чанқоқ.  
Чумолига бермайди озор,  
Қалби зилол чашма каби оқ.

Тилакларим сарасин ёзай,  
Кўп нияти ушалсин, тангрим.  
Юрганида ҳар қадамига  
Бахт гилами тўшалсин, тангрим.

Хавас қилдим матонатига,  
Чин инсонлик ҳиссин туяман.  
Бир кун келиб қизим туғилса,  
Маржона деб исмин қўяман.

## **КАТТА МУАММО**

Бойликнинг ғамини у қадар еманг,  
Яшнаган ниҳол ҳам бир кун сўлади.  
Мени дардсиз деманг, ғами йўқ деманг,  
Йиғласам дунёлар ёшга тўлади.

Кимлар бор - шодликни ниқоб қилганча,  
Қалбдаги дардини яшириб юрар.  
Кимлар бор - сохталик аро кулганча,  
Аслида йўқ бахтни ошириб юрар.

Ўйламанг, ҳар кимнинг дарди етарли,  
Ҳар кимда муаммо, ҳар кимда ташвиш.  
Дунё юзи содда, ичи хатарли,  
Баҳор келганидек, келар яна қиш.

Ниқобда дардингиз билмасин биров,  
Кулинг-у, ўзликни унутманг аммо.  
Инсоннинг ўзига ўзи фақат ёв,  
Ўзликка ютқазмоқ - катта муаммо.

## ИНСОН ВА ШАЙТОН

Ўзимизча қилган гуноҳни  
Шайтонларга юклаб қўямиз.  
Уларни-да тинч қўймай туриб,  
Ҳақиқатни “буклаб” қўямиз.

Ҳар хил шароб, маст қилувчи сув,  
Эмишки у шайтоннинг суви.  
Ахир инсон яратган уни,  
Ичувчи ҳам одамнинг ўзи.

Кўнглимизни оғритган ИНСОН,  
Тафтимизни совитган ИНСОН.  
Кулиб туриб, жилмайиб туриб,  
Қалбимизга тош отган ИНСОН.

Тан олиш ҳам мардлик эмасми?  
Хатоларни керак тузатмоқ.  
Оқибатда бир-биримизга  
Меҳр деган қўлни узатмоқ.

Ҳаммасига ўзимиз сабаб,  
Ёмон иллат оқарми қонда?  
Инсоният саккиз миллиард-у,  
Яна гуноҳ БИТТА шайтонда.

Майли мени танқидлар қилинг,  
Тан олмайман ҳеч бир ёлғонни.  
Ўзимизнинг хатойимизга  
Сабаб қилманг фақат шайтонни.



## **ҒАЛАТИ “СЕВГИ”**

Олдимда жилмайиб, ордан сотасиз,  
Мен гуллар тутсам-у, сиз тош отасиз,  
Чиранманг, бари бир ўша сохтасиз,  
Қадри тоғдай баланд “қадрдонларим”.

Ғийбатим қиласиз, раҳмат айтаман,  
Ёнингизга бориб, кулиб қайтаман,  
Майли, сизлар катта, мен бир “майдаман”,  
Қадри чаман каби “қадрдонларим”.

Билингки, тоғлар ҳам нурайди бир кун,  
Дарёдаги сувлар тугайди бир кун,  
Гул сўлиб, бошқа гул гуллайди бир кун,  
Қадри осмон қадар “қадрдонларим”.

Ҳурматингиз чексиз, бошим эгаман,  
Сиз учун аталган аччиқ меваман,  
Яшар эканманки, “СИЗНИ СЕВАМАН”,  
Қадри тоғдай баланд “қадрдонларим”.

## СИҒИНМОҚ

Сиғиниб яшаймиз, кутиб яшаймиз,  
Кимгадир қалбимиз тутиб яшаймиз.  
Гоҳи ҳаловатда, гоҳи кулфатда,  
Ҳатто виждонни ҳам сотиб яшаймиз.

Мен ишққа сиғиндим телбалар каби,  
Лек ўша севгимга тошлар отишди.  
Мен дўстга сиғиндим меҳримни тутиб,  
Шу дўст деганлари сўзсиз сотишди.

Одамга сиғиндим, одам алдади,  
Аламга сиғиндим, алам алдади.  
Ўзимдан ўтганни ўзим биламан,  
Ҳатто ўзимнинг бир нолам алдади.

Худойим, ўргандим энди фақат бир  
Сенинг кудратингга сиғинмоқликни.  
Узоқдагилармас, шу ёнимдаги  
Парвонам - онамни соғинмоқликни.

Художон, сўрайман дунё аҳлидан,  
Ҳамма тинглай олсин юракнинг сасин.  
Майли ишонишсин, севишсин, аммо  
Инсонга инсонлар сиғинишмасин.

## ОДАМСАН

Одамларда қолганми виждон?  
Юраккинам, жавоб бер менга.  
Юзда ниқоб, сўзимиз ёлғон,  
Ҳақиқатни кўрмаймиз нега?

Юраккинам садо беради:  
-Киприкдаги ёшланган намсан.  
Нима қилай, жавобингни айт?  
Унутмаки, сен ҳам одамсан...

## КИБОРЛАР ДАВРАСИ

Киборлар давраси мен учун эмас,  
Сохта илтифотдан жоним ўйнайди.  
Ёлғон ёлғонлигин билиб туриб ҳам,  
Ўша ёлғончилар бекор сўйлайди.

Киборлар давраси мен учун эмас,  
Улар оддийлик не - асло билмайди.  
Ҳатто қувончлари сохта, антиқа,  
Самимий, юракдан, чиндан кулмайди.

Киборлар давраси мен учун эмас,  
Мен бир мўъжазгина қишлоқ боласи.  
Ахир ўшаларнинг ғийбатларидан  
Ёқимли туюлар чумчуқ ноласи.

Киборлар давраси мен учун эмас,  
Қадахлар ушлашга ярамас кўлим.  
Ўша сохталарнинг бири бўлгандан,  
Яхшироқ мангулик уйқу ва ўлим.

Киборлар давраси мен учун эмас,  
Борлиғим - қишлоқнинг салқин тонглари.  
Ҳамсоя хўрози олдида ип ҳам  
Эшолмай қолади соат бонглари.

Киборлар давраси мен учун эмас,  
Момом эртаклари мен учун ҳузур.  
Дилингиз оғритган сўзлар арзимас,  
Киборлар, барчаси учун минг узр.

Киборлар давраси мен учун эмас,  
Чунки мен ўзимни лойиқ кўрмайман.  
Камтар бўлмоқликка интиламан, лек  
То ҳаёт бор экан - кибор бўлмайман.

## ОТАНГИЗ КУТМОҚДА

Сиз учун яшаган бериб борини,  
“Болам” деб яшнатган боғ, гулзорини,  
Олислатиб юрмай қалб дийдорини,  
Отангиз қабрини бир йўқлаб қўйинг.

“Чироғим ёққувчи болам”, деган у,  
“Сен билан қувончим олам”, деган у,  
“Иқболинг кўрмоқлик - нолам”, деган у,  
Отангиз қабрини бир йўқлаб қўйинг.

Вақтингиз кетади дўст, улфатларга,  
Кўз ёши тўкасиз ғам, кулфатларга,  
Меҳрни талатмай ҳув калхатларга,  
Отангиз қабрини бир йўқлаб қўйинг.

Унутманг қабристон қадр кутади,  
Қабрлар интизор, сабр кутади,  
Сиздан дунё эмас, меҳр кутади,  
Отангиз қабрини бир йўқлаб қўйинг.

Оёғингиз йўқми - эмаклаб боринг,  
Фарзандларингизни етаклаб боринг,  
Дуо ва тиловат, нур атаб боринг,  
Отангиз қабрини бир йўқлаб қўйинг.

Атрофига экинг жаннати райҳон,  
Яратгандан сўранг ўтганга иймон,  
Рухларин шод айланг, сиз-ку мусулмон,  
Отангиз қабрини бир йўқлаб қўйинг.

## ТИКАНЛАР

Оёғимдан чалганлар,  
Бошга кулфат солганлар,  
Меҳрни қизғонганлар,  
Инсоф керак эмасми?

Ортдан ғийбат қилганлар,  
Шумликларни билганлар,  
Юрагимни тилганлар,  
Инсоф керак эмасми?

Йўлимдан қайирганлар,  
Яхшидан айирганлар,  
Лола эмас, тиканлар,  
Инсоф керак эмасми?

Ғийбатни сўзлаганлар,  
Бойликни кўзлаганлар,  
Қаҳрда музлаганлар,  
Инсоф керак эмасми?

Манманликда юрганлар,  
Шодликка терс турганлар,  
Жанжал уйин қурганлар,  
Инсоф керак эмасми?

Дил тинчини бузганлар,  
Ғайир режа тузганлар,  
Иймондан дил узганлар,  
Инсоф керак эмасми?

Бахт-саодат учун ҳам  
Инсоф керак эмасми?  
Ахир жаннат учун ҳам  
Инсоф керак эмасми?

## **МАЪҚУЛ**

Шоир Анвар Тоғаевга

Бир куни танловнинг ҳакамлигида  
Турарди оқ сочли, нуруний инсон.  
Хавотир уйғонди ҳатто дилимда,  
Кимдир Анвар ака деди ногаҳон.

Очиғи, жуда ҳам кўрқдим улардан,  
Сабаби - нигоҳи суст бостирарди.  
Қанчалик ўзимни тута олмасам,  
Рақиблар устимдан шунча куларди.

Ана, келиб қолди менинг навбатим,  
Ҳаяжон босди-ку дилимни чунон.  
Ёқтирган энг яхши шеъримни айтдим,  
Анвар ака “маъқул” дедилар бир он.

Севинчдан юрагим ўйноқлаб кетди,  
Шодлигим сиғмади ҳатто осмонга.  
Раҳматлар айтаман, бахтиёр этди,  
Анвар Тоғаевдек яхши инсонга.

## ЭЙ ХАЛОЙИҚ

Шаксиз, ўнгу рўёси куяр,  
Оқиб турган дарёси куяр,  
Билки, икки дунёси куяр  
Отасининг ўрнин билмасни,  
Онасини ҳурмат қилмасни.

Жаннат унга армон бўлгуси,  
То яшаркан сарсон бўлгуси,  
Юрагини алам тилгуси,  
Отасининг ўрнин билмасни,  
Онасини ҳурмат қилмасни.

Таомида таъми бўлмайди,  
Қалби зулмат, шами бўлмайди,  
Нодонлардан ками бўлмайди  
Отасининг ўрнин билмасни,  
Онасини ҳурмат қилмасни.

Эй халойиқ, англа, бандасан,  
Бугун гўзал бир чамандасан,  
Лек оқибат оқ кафандасан,  
Отанг борки, ҳурматини қил,  
Волидангни энг табаррук бил.



## **БИР КУНИ**

Ёрдамим аскотар бўлган маҳалда,  
Қўнғироқ овози тўхтамай қолар.  
Мен қадрингиз билдим, сиз билмасангиз,  
Бир куни Яратган юракка солар.

Майли бугун севманг, меҳрингиз берманг,  
Лекин ёдингиздан чиқарманг шуни.  
Ғайирлик тоғидан ҳидсиз гул терманг,  
Мени соғинасиз ҳали бир куни...

Бир кунлар келади - гўзал дунёнинг  
Меҳрсиз чиройи ошкор бўлади.  
Сохта севилганлар, сохта севганлар,  
Ўшанда ҳолингиз абгор бўлади.

Оламда одамдек яшамоқ керак,  
Ки олам биз учун яхшилик тилар.  
Буёғини бузиб, уёғин тирнаб,  
Оламга одамлар ёмонлик қилар.

Бир куни ёмонлар йўқ бўлганида,  
Юлдузлар заминга қайтиб тушади.  
Оймомо онадек, қуёш отадек,  
Бахтнинг қўшиғини айтиб тушади.

Ўша кун келади, ҳали бир куни  
Ёмонлардан йироқ бўлар ер юзи.  
Яхши эканлигин исботлаб ерда,  
Лекин қолармикан одамнинг ўзи?

## СОҒИНДИМ

Қаҳратон қиш. Деразадан кўкка боқиб,  
Юрагимда орзулардан насим елди.  
Улуғворлик тоғларига чорлаб хаёл,  
Бойчечакни юзларимга сургим келди.

Мен соғиндим, соғинчларим олов бўлди,  
Шу оловда ўзим ёниб, куймоқдаман.  
Оташ бағрим ҳижрон деган кулга тўлди,  
Мен кул бўлиб, гул баҳорни кутмоқдаман.

Очиқ дала, борсам юрак қувонади,  
Адирларда лола териб юргим келди.  
Сўзларимга қизғалдоқлар ишонади,  
Бойчечакни юзларимга сургим келди.

Дардга тўлган қалбим ғамни унутади,  
Гўдак каби покланаман, само оппок.  
Гар бехосдан йиқилсам-да йиғламайман,  
Ахир мени кучоқлайди она тупрок.

Қаҳратон қиш. Кўча совуқ. Ҳаво ёмон.  
Шу чечакни айна дамда кўргим келди.  
Баҳор яқин. Далаларга етиб омон,  
Бойчечакни юзларимга сургим келди.

## ПУШАЙМОН АРИЗАБОЗ

Маҳаллада ёзувчи, аризабоз бор эди,  
Қалам-қоғоз у учун ғурур ҳамда ор эди.  
Ёзар эди тинмасдан, сўрасангиз бўлгани,  
Қизиғи йўқ кимнингдир андуҳларга тўлгани.

Шу ифвогар дунёдан ўтганида бир куни,  
Савол-жавоб вақтида сўроқ қилишди уни.  
Қилган ҳамма айбларин ҳисоблари бор эмиш,  
Фаришталар устидан “ёзишга” тайёр эмиш.

“Ёзувчи Пистончиев, ифвогарлик гуноҳи,  
Бўхтонлар уюштирган тинмай тириклик чоғи.  
Олар эди ҳар бетга, ёзганига анча пул,  
Бу одам ўз нафсига яшаб ўтди, бўлиб қул”.

Аризабоз тан олмай, гапирди жуда талай,  
Фаришталар жим туриб эшитишдилар атай.  
Ва унинг гапидан сўнг ёзган ҳамма арзини,  
Олдига келтиришди қолдирмасдан қарзини.

Буни кўриб, ёзувчи ҳайрон қолди, лол қолди,  
Фаришталарга қараб биттагина гап солди.  
“Буни қандай топдингиз, ахир неча йил олдин,  
Ёзиб берган эдим-ку одамлар учун доим!”

Фаришталар ҳар битта аризани ўзидай  
Кўчириб юрган экан бир хил қилиб сўзидай.  
Ёзувчи дер: билмабман, бизнинг дунё тор экан,  
Бу ёқда ҳам менингдек ёзувчилар бор экан!

## ЙЎЛОВЧИЛАРМИЗ

Мени мендай кўринг, ортиқча кўрманг,  
Кимдан кам, кимлардан ошиқча кўрманг.  
Сиздай йўловчиман умр йўлида,  
Ўзганинг йўлига ҳатламанг, юрманг.

Ҳар кимнинг йўли бор, ҳар кимда ғам бор,  
Ҳар кимнинг кўзидан оқувчи нам бор.  
Ўрганманг, ўйланманг зулмат ичида,  
Ҳар кимга аталган ёнувчи шам бор.

Шамни ёқмоқ асли ўз қўлимизда,  
Дўст-у қадрдонлар ўнг-сўлимизда.  
Синовлар чиқади соати билан  
Вақти келганида шу йўлимизда.

Синовларни енгиб, қутловчилармиз,  
Дунёга яхшилик тиловчилармиз.  
Ҳаммамиз бир хилмиз - тақдир йўлида  
Қадам ташлаётган йўловчилармиз.

## ЭЙ БУЗҒУНЧИ

Эй бузғунчи, мақсадинг не? Айт!  
Нега буздинг ҳовли, уйларни?  
Сал бўлса-да виждонингга қайт,  
Бироз тўхтат уриб-сўйларни.

Дунёга боқ, ишинг тўғрими?  
Қонга тўлган кўзларингни оч.  
Улфатларинг фақат ўғрими?  
Эътиқодинг қилма ялонғоч.

Эй бузғунчи, бугун сен учун  
Ёзьяпман-у юрагим ўйнар.  
Шу ишингдан қайтмасанг бир кун,  
Қалбинг ўртар, виждонинг қийнар.

Яшар эдинг отанг бағрида,  
Онанг меҳри мунтазир эди.  
Кўтарганча сени кўксида,  
Болалиқдан ғамингни еди.

Майли, бундай гаплардан кўра  
Атрофга боқ. Уруш - роҳатми?  
Назарингда гўзал қушинг ҳам  
Ўлаксаҳўр ўша калхатми?

Қара, қанча кўзларда ёш бор,  
Бу ғам ёши, ўзинг оқизган.  
Қара, кимдир чалажон, беҳол,  
Кимнинг боши қонларда сузган!

Ўт кўйяпсан разолат билан,  
Билган сўзинг “ур, йикит, от, тил”.  
Вайрон бўлган масжидлар билан  
Портляпти иймнинг ҳам, бил.

Ачинаман аччиқ ҳолингга,  
Манқуртдан ҳам баттар бўлибсан.  
Сени тирик санай олмайман,  
Тириклайин буткул ўлибсан.

Эй бузгунчи, сўзларим тинглаб,  
Ғазабланма, бир ўзингга боқ.  
Қани топиб бергин-чи менга,  
Юрагингнинг қайси жойи оқ?

Юзингдан-ку инсонлик нури  
Кетиб бўлган аллақачонлар.  
Бир кун умр шаминг сўнганда  
Жанозангни ўқир шайтонлар.

Эътибор бер, калта ўйлама,  
Тинчликни сен барбод қиляпсан.  
Боғни эмас, қайғу уйини,  
Ғам сарҳадин обод қиляпсан.

Кўзингда нур ўрнига чакнар  
Ғазаб билан нафрат, аламлар.  
Неча-неча болалар йиғлар,  
Уйи куйган қанча одамлар.

Бир боламан - ҳаётга ташна,  
Мақсад билан ёзаяпман шеър.  
Йиғлаётган гўдакка қара,  
Отасини сен қайтариб бер.

Тинчлик керак дунёга фақат,  
Қўлингдаги қуролни ташла.  
Ҳис қилиб кўр меҳр-муҳаббат,  
Илтижо қил, тавбангни бошла.

Яратгандан кечирим сўраб,  
Саодатли дуоларни айт.  
Юракдаги сўзимиз шуки,  
Ўзинг ўнглаб, хато йўлдан қайт.

## ИНСОН БЎЛАЙЛИК

Ҳаёт жумбоқ эмас, ҳаёт сир эмас,  
Ҳаёт - юрагимда очилган ғунча.  
Ҳаёт алам эмас, ҳаёт кир эмас,  
Ҳаёт - мақсад сари интилган қушча.

Ғунчамни авайлаб ўстиражакман,  
Кун келиб, албатта, дарахт бўлади.  
Қушчамга аталган шеър битажакман,  
Эшитган ҳайратдан карахт бўлади.

Боғимда бўй чўзган ишқомларимдан  
Узумлар тераман дона-доналаб.  
Қофия излаган оқшомларимдан  
Тўртлик ёзадирман сара-саралаб.

Агарда шеъримдан топсангиз маъно,  
Яратган яратган сўзнинг кучи у.  
Башарти мазмунда кўрсангиз хато,  
Сўзни тополмаган менинг айбим-ку.

Икки эшик дерлар умр даврини,  
Биридан чиқамиз, яна қайтамиз.  
Лек исбот қиламиз инсон сабрини,  
Насиб қилганича ашъор айтамиз.

Донолар қолдирган бир ҳикмати бор,  
Ҳаёт, сен яхшини султон қиласан.  
Ақлимиз англаган ҳақиқати бор,  
Ҳаёт, сен ёмонни яксон қиласан.



Яксон бўлмоқликдан асрасин Тангрим,  
Абад нафсимизга қалқон бўлайлик.  
Шундай яшайликки, мақтасин Тангрим,  
Майли олим эмас, инсон бўлайлик.

### **ҒАНИМАТДИР**

Кунлар эргаштириб изидан ойни,  
Йиллар ҳам ўтяпти билдирмасидан.  
Ким тўйиб қоляпти вақтидан олдин,  
Кимлар тотмаяпти бахт нафасидан.

Ҳар нафас олмоқлик аслида бахтдир,  
Ҳаёт ғаниматдир, одамлар ҳам шу.  
Кимдир яшаш билан ўтказса вақтни,  
Кимнингдир ҳамроҳи ғафлат ва уйқу.

## ТУШ

Тонгда кўрдим: икки мусича  
Талашарди бир бошоқ донни.  
Эшитдимки, кимлардир бугун  
Сотишибди яна виждонни.

Мусичага термулиб туриб,  
Очиққаним сезиб турибман.  
Яна ўша нон бурдасию,  
Чойсиз сувдан безиб турибман.

Мен ҳам сотай дедим виждонни,  
Бозор аро оралаб бордим.  
Қайтишимда оламан дея,  
Кўп нарсани саралаб бордим.

Буни қаранг, виждон дегани  
Тўлиб-тошиб кетибди бунда.  
Кимдир сотар жуда арзонга,  
Кимдир кўлин солади шунда.

Бир харидор ёнимга келиб,  
“Виждонингиз қанча?” деб қолди.  
Бир хум тилло сўраган эдим,  
Айлантириб чаккамга солди.

Бозорларда нима кўп? - Виждон.  
Бунча қиммат айтасиз, дейди.  
Бу туришда сота олмасдан  
Уйга қуруқ қайтасиз, дейди.

Охирида бир кўй пулига  
Сотдим аранг ўз виждонимни.  
Ва ниҳоят нонга тўлдирдим  
Бир ёғи кир дастурхонимни.

Емоқ учун ўтирган эдим,  
Кириб келди мўйсафид отам.  
Дейдиларки: «Нонингдан битта  
Ейишимга бергин, жон болам».

“Боринг, - дедим. - Бу менинг ноним,  
Ўзим ейман. Якка бир ўзим.  
Бундан кейин ҳатто хонамга  
Кирманг мендан сўрамай изн”.

Отам кетди, келди сўнг онам,  
У ҳам нонга мўлтираб қарар.  
Бир ой кутса нафақасига,  
Тўяди-ку бу қариялар.

Онам дейди: “Болам, хор бўлдинг,  
Бунча севдинг шу битта жонни?  
Тириклайин мен учун ўлдинг,  
Сотмай қолгин тоза виждонни”.

Қўрқиб кетиб, бақирдимми мен,  
Алаҳсираб уйғониб қолдим.  
Бунинг бари хаёл, туш экан,  
Эрталабдан ўйларга толдим.

Бу қандай туш, қандай синоат?  
Ахир виждон сотилса-я, оҳ.  
Бундай ёмон ишлардан асраб,  
Яратгандан сўрадим паноҳ.

Дедим, тоза виждони бўлсин  
Одамзоднинг ҳар боласини.  
“Мурувват”нинг уйига кимдир  
Олиб келди ўз отасини.

Наҳотки, туш ҳақиқат бўлса?  
Унутмайлик асло иймонни.  
Очлигиндан вафот этсанг ҳам,  
Сотма, дўстим, фақат виждонни.

## МЕҲРНИНГ ОРТИҒИ

Она яшар эди боласи учун  
Бермоқликка қодир бўлиб жонини.  
Отаси уришса, танбеҳлар берса,  
Доим олар эди унинг ёнини.

Орадан ой ўтди, йиллар югурик,  
Фарзанди йигитлик чоғига етди.  
Ухласа тунлари бедор, парвона,  
Бахтидан қувонди, ғамлари кетди.

Ўғил улғайди-ку баркамолликда,  
Бировдан камликни кўрмади асло.  
Она яшар эди беғуборликда,  
Йигитча талтайиб ўсарди аммо.

Меҳрнинг ортиғи бўлмайди бироқ,  
Ҳаддан зиёдаси кўплик қиларкан.  
Болаликда эрка, нозик ўсганлар  
Тўқликка албатта шўхлик қиларкан.

Ўғил манман ўсди, такаббур бўлди,  
Она насихатин назарга илмас.  
Ҳар не мумкин дея ўйларга тўлди,  
Уйининг бирини ҳеч икки қилмас.

Орадан ой ўтди, йиллар югурик,  
Нодон бола энди - катта бир одам.  
Юзидан самимий, содда кўринар,  
Аслида такаббур, қалби кир одам.

Энди у улғайди, ўзи ишлайди,  
Керакмас уйининг нур, парвонаси.  
Деразага қараб, кутар мўлтираб,  
Кексалар уйида ёлғиз онаси.

## ХАТОЛАР

Одамзод хатосин дарахтга оссам,  
Илдизларга қадар қуламоғи рост.  
Иллатлар ипига бир қиё боқсам,  
Занжирдек занжирга уланмоғи рост.

Хатолар, хатолар...  
Қилгай адолар,  
Хатосиз яшамоқ мумкинмикан ё?  
Инсон деб аталган мўъзижа, тубсиз  
Адашмоқ жарига тутқунмикан ё?

Севсак севилмаймиз, севилсак севмай,  
Тескари яшаймиз бир-биримизга.  
Камчилик тикандек қадалганмикан,  
Қуришга улгурмай тақдиримизга?

Борни йўқ, йўқни бор  
Демоқ ҳам гапми?  
Ўзидай кўрамиз қачон ҳаётни?  
Ёлғонларга тўлган тандаги қалбми?  
Қайирмоқ шартмикан учган қанотни?

Ва лекин хатолар ўргатар тинмай  
Нафасни қандайин олмоқликни ҳам.  
Вақти етганида англатар атай  
Кимдан ўзиб, кимдан қолмоқликни ҳам.

Хағолар... Хағолар...  
Қилгай гағолар,  
Хулоса бўлмаса кўнгил тўлмайди.  
Тузатмоқ меҳнатдир, тушунмоқ - ҳикмат,  
Дунёда хатосиз яшаб бўлмайди.

Дунёда хатосиз яшаб бўлмайди...



## **КЕРИЛМА**

Давлатинг бошингдан ошса ҳам,  
Қувончинг дарёдай тошса ҳам,  
Ортингдан омадлар шошса ҳам,  
Ёлғонга, кибрга берилма,  
Иймонни унутма, керилма.

Бўлсанг ҳам бойларнинг энг зўри,  
Сен учун аталса уй тўри,  
Юзингдан кетмасин дил нури,  
Ёлғонга, кибрга берилма,  
Иймонни унутма, керилма.

Ой бўлсанг қуёш бор дунёда,  
Ҳар нега бардош бор дунёда,  
Муғамбир, ювош бор дунёда,  
Ёлғонга, кибрга берилма,  
Иймонни унутма, керилма.

Бу дунё синайди синовда,  
Қалбингни қолдирма оловда,  
Яшама ғам деган қийновда,  
Ёлғонга, кибрга берилма,  
Иймонни унутма, керилма.

Бугун бор, эртага йўқ дунё,  
Кимлар оч, кимлардир тўқ дунё,  
Сен - нишон, отгувчи ўқ - дунё,  
Ёлғонга, кибрга берилма,  
Иймонни унутма, керилма.

Керилмоқ - виждонга хиёнат,  
Ёлғончи топмагай диёнат,  
Оддийлик аслида саодат,  
Ёлғонга, кибрга берилма,  
Иймонни унутма, керилма.

## **БИЛИБ ЯШАЙМИЗ**

Ватаннинг нелигин билмоқчи бўлсанг,  
Уйингга ин қурган қалдирғочга боқ.  
Меҳрнинг нелигин билмоқчи бўлсанг,  
Меҳрсиз одамга бўлиб кўр ўртоқ.

Муҳаббат нелигин билмоқчи бўлсанг,  
Пичоқда юракни қирқ бўлакка бўл.  
Савобнинг нелигин билмоқчи бўлсанг,  
Етимнинг қалбига солиб кўргин қўл.

Умрнинг нелигин билмоқчи бўлсанг,  
Тинимсиз соатнинг милига қара.  
Меҳнатнинг нелигин билмоқчи бўлсанг,  
Мурғак ниҳолларга сен сувлар тара.

Шукрона нелигин билмоқчи бўлсанг,  
Қабристон оралаб, дуолар айтгин.  
Ўзликнинг нелигин билмоқчи бўлсанг,  
Дунёлардан ортиб ўзингга қайтгин.

Болалик нелигин билмоқчи бўлсанг,  
Таёқдан от минган укангни кузат.  
Кексалик нелигин билмоқчи бўлсанг,  
Таёқ ҳасса тутган чолга қўл узат.

Ҳаётнинг нелигин билмоқчи бўлсанг,  
Аввал бир умрни тўғри яшаб ўт.  
Асил бахт нелигин билмоқчи бўлсанг,  
Дилингни оғритган аламини унут.

Севгининг нелигин билмоқчи бўлсанг,  
Севгинга севаман дея айтиб кўр.  
Покликнинг нелигин билмоқчи бўлсанг,  
Онанг рўмолини кўзларингга сур.

Ғурурнинг нелигин билмоқчи бўлсанг,  
Оғанга тиргак бўл ука ўрнида.  
Қадрнинг нелигин билмоқчи бўлсанг,  
Покликка тўлдиргин юрагингни-да...

Саховат нелигин билмоқчи бўлсанг,  
Ҳадеб қийнайверма тандаги жонни.  
Саодат нелигин билмоқчи бўлсанг,  
Ўзинга яқин тут яхши инсонни.

Тупроқнинг нелигин билмоқчи бўлсанг,  
Ойнага қараб кўр ёниқ кўз билан.  
Фироқнинг нелигин билмоқчи бўлсанг,  
Унга ашъор битгин маҳзун сўз блан.

Бу йўлда ҳаракат қилиб яшаймиз,  
Ўрганиб, ўргатиб, билиб яшаймиз.

## ЮЛДУЗ СЎНИБ, ЙИҒЛАЙДИ БУЛУТ

Ёруғ кунлар зулмат бўлади,  
Эл бошида заҳмат бўлади,  
Ғам бўлади, кулфат бўлади,  
Алла айтмай қўйса оналар.

Тилаклари тамом бўлгандай,  
Яхшилари ёмон бўлгандай,  
Оқибатсиз замон бўлгандай,  
Алла айтмай қўйса оналар.

Қайғуларга якун бўлмайди,  
Қуёш кулган бир кун бўлмайди,  
Қароқларда учқун бўлмайди,  
Алла айтмай қўйса оналар.

Алла - миллат, алла - шараф-шон,  
Улғаяди тинглаб мурғак жон.  
Рухияти бўлгай чалажон,  
Алла айтмай қўйса оналар.

Юлдуз сўниб, йиғлайди булут,  
Қадриятлар бўлади унут,  
Хонадондан кўтарилар қут,  
Алла айтмай қўйса оналар.

Онажонлар, эй меҳрибонлар,  
Алла истар ҳар болажонлар,  
Тор кўринар замин, жаҳонлар,  
Алла айтмай қўйса оналар.

## ШИОР ЭКАН

Яқинларинг ташлаб кетиб, дўст бўлганда бегоналар,  
Кулиб турган юзларинг ҳам аслиятда абгор экан.

Молинг учун, ҳолинг учун кўпайганда парвоналар,  
Ўртадаги мурувват ҳам, муҳаббат ҳам бекор экан.

Сен куз бўлиб тўкилганда қишдай музлаб паймоналар,  
Қалбинг куйса жазирадан, кимнинг кўнгли баҳор экан.

Ким келади, ким кетади, гулга тўлиб гулхоналар,  
Ким олади, ким солади - бу дунё бир бозор экан.

Кибр нима, қаҳр нима? Улар “йўлсиз” сарсоналар,  
Бу дунёнинг бозори ҳам ёмонлардан безор экан.

Ҳолинг кўриб англамасдан, манзил бўлса майхоналар,  
Майхонада майлар ҳамки имонингга озор экан.

Эй Ёрқинжон, англа, олам эртак эмас, ҳақиқатда  
“Ўзинг, отанг-онанг учун кураш”, деган шиор экан.

## **БУ ДУНЁ**

Сен йиғласанг, у кулар -  
Кулдиргувчи дунё бу.  
Бирда шодлик, бирда ғам  
Тўлдиргувчи дунё бу.

Бошинг эгма, азизим,  
Азизлик ҳар кимгамас.  
Бирда ўзиб, бир ортда  
Қолдиргувчи дунё бу.

Юрагингни қилсанг кенг,  
Тор юраклар атрофда.  
Кенглигингга торликни  
Солдиргувчи дунё бу.

Ҳаётнинг бозоридан  
Бир умрни етаклаб,  
Ўзинг билан гуноҳни  
Олдиргувчи дунё бу.

Роҳат учун меҳнатда  
Терлаганда пешонанг,  
Етай десанг муродга,  
Толдиргувчи дунё бу.

Сен йиғласанг, у кулар -  
Кулдиргувчи дунё бу.  
Бирда шодлик, бирда ғам  
Тўлдиргувчи дунё бу.

## **ЁРҚИН СЎЗ**

Шоир бор - ўқисанг қиларсан маза,  
Шоир бор - шеърига тутарсан аза,  
Яратган буюрган неъматни ёза -  
Шеър билан қўшилиб яшайди шоир.

Шоирлик касб эмас, у иноятдир,  
Фалақдан қалбингга жўналган хатдир,  
Ижод энг ёқимли, буюк меҳнатдир,  
Бахтидан дунёга сиғмайди шоир.

Эй, Ёрқин, ёрқин сўз топа олмасанг,  
Иллатнинг илдизин чопа олмасанг,  
Юракнинг ўрнида бир тош сақласанг,  
Ўйлама, сендан ҳеч чиқмайди шоир.



## УНУТМА

Осмонларда учганлар,  
Қўнар жойинг унутма.  
Қуёшни кўриб туриб,  
Тунда ойинг унутма.

Гўзаллар даврасида  
Даврингни сурганингда,  
Шу даврга етказган  
Битта “Ойинг” унутма.

Испания “лағмони”,  
Хитой қисқичбақаси -  
Барини кўрсанг ҳамки,  
Нону чойинг унутма.

Дарёлар ёқасида  
Саёҳат қилганингда,  
Қишлоғингнинг томири,  
Оқар сойинг унутма.

Орзулардан маст бўлиб  
Юрганингда шамолдек,  
Борар жойинг оқибат  
Тупрок, лойинг унутма.

Шеърин ўқиб, айб топиб,  
Танқидлар қилганингда,  
Сенинг учун ёзгучи  
Ёркинбойинг унутма.

## ДУОДАМИЗ, ЖЎРАЖОН

Мархум синфдошим Сирожиддиннинг хотирасига

Тоғлар сиғган дунёга сен сиғмадинг, Сирожжон,  
Боғлар сиғган дунёга сен сиғмадинг, Сирожжон,  
Кўришганда кулишиб, кулганда қувнар эдик,  
Кетиб, қувноқ дилларни сен тигладиңг, Сирожжон.

Поклигингни биздан кўп суйдимикан қаро ер,  
Бағрига босиб сени, тўйдимикан қаро ер.  
Ёки дунё ўткинчи, эртага бор-йўқлигин,  
Кўзимизга кўрсатиб қўйдимикан қаро ер.

18 саккизига кириб, чақнамаган, юлдузим,  
Уришсак ҳам гиналар сақламаган, юлдузим.  
Синфдошлар давраси кемтик бўлди, кам бўлди,  
Айрилиқнинг тиғидан яраланган ҳар сўзим.

“Доктор бўламан” деган сўзларингни соғиндим,  
Қора кош, оппоқ юрак, кўзларингни соғиндим.  
Кўлимдаги суратинг худди жонланганидек,  
Мен у билан гаплашдим. Мен у билан овундим.

Ўйласам, ўйларимнинг илдизи куйиб кетар,  
Сирожиддин қани, деб қалбимни ўйиб кетар.  
Хотиралар ҳаммаси ёдимизда, жўражон  
Шум тақдир кўзимизга кўз ёши куйиб кетар.

Энди ёшдан фойда йўқ, дуодамиз, жўражон,  
Сен чинида, биз ёлғон дунёдамиз, жўражон.  
Охиратингни сўраб, ёлғиз Парвардигордан,  
Дуодамиз жўражон, дуодамиз жўражон.

## **ТУШЛАРИМДА ЁЗИЛГАН ШЕЪРЛАР**

## **КЎЗОЙНАК**

Мени “тўрткўз” дебди баъзи таннозлар,  
Сиз сира ранжиманг, мен борман, она.  
Гапирса гапирсин ақли саёзлар,  
Сиз айтган барига тайёрман, она.

Жон болам, кўзойнак тақма, дейсиз-а,  
Гўё шу ойнакни ёқтирмас қизлар.  
Уларга ёқмасам нима бўлибди?  
Менинг юрагимда ўзгача ҳислар.

Ҳозирча ёзаман кўзойнак ҳақда,  
Кўк чойга тўлдириб кўк чойнагимни.  
Бир қуни келади ўша таннозлар,  
Севиб қолишади кўзойнагимни!

## ОЛОВЛИ КУН

Эй япроғи сарғайган, дарахт,  
Сен ҳам мендай ёлғиз қолдингми?  
Қаерларга учиб кетди бахт,  
Менинг каби ёрсиз қолдингми?

Сарғайганча япроқчаларинг,  
Юзларимга ўхшаб қолибди.  
Иккимиз ҳам ёлғизмиз, ахир  
Севги сойи “музлаб” қолибди.

Сени ташлаб кетган қушчалар,  
Қайтиб келар, йўлларини кут.  
Мен не, қилай қутолмайман оҳ,  
Дейди ҳамма, унутгин, унут.

Айт, унутиб бўларми, уни,  
Унутмоқлик осон эканда.  
Шунчакилик бўлса ўртада,  
Муҳаббат ҳам ёлғон эканда.

Ўксинма ишқ, ўксинма юрак,  
Ўксинмагин, дарахт сен сира.  
Хув уёқдан болта кўтариб...  
Бир ўтинчи келяпти, қара...

Сен ёнасан, мен ҳам ёнаман,  
Қутолмаймиз ортиқ севгини.  
Нишонласин бутун бир олам,  
Бугун ишқнинг оловли қуни.

## ДУНЁ ГЎЗАЛИ

Далаларга айтиб юрак сўзини,  
Ҳаддидан ошмаган эрка, нозлари.  
Ойга тенгламайди сира ўзини,  
Оймомога сирдош қишлоқ қизлари.

Зебу, зийнатингиз юздаги зиё,  
Сепкиллар ярашган қандоқ гўзалсиз.  
Чехрангиз қирмизи атиргул гўё,  
Парилар ҳавасда шундоқ гўзалсиз.

Саҳарда кўчага сепиб сувларни,  
Супуришингизни пойлаганим рост.  
Шу менинг вафодор ёрим бўлар деб,  
Бирингиз қалбимга жойлаганим рост.

Кўрдим шаҳарларнинг таннозларини,  
Ўзларича гўзал, ўзларича зўр.  
Дейман: “Севилмоқчи бўлсанг агарда,  
Қишлоғимга келиб, сигир соғиб кўр”.

Уларнинг қошига қўйган қалами,  
Ўсмангиз олдида нима деган гап.  
Соддалик уфурган нигоҳингизга,  
Яшайман жонимни, меҳримни атаб.

Айронларга ювган сочларингизда,  
Табиат тухфаси мафтункорлик бор.  
Ҳиналар безаган қўлларингизни,  
Сўрамоқлик учун Алпомишлар зор.

Ниятим ошкора айтаман сизга,  
Бўлинг момоларнинг табаррук изи.  
Билдирмай юзингиз ўпган офтоблар,  
Эй дунё гўзали, қишлоқнинг қизи.

## СЕВГИНИ УНУТМА

Дунёдаги энг савобли қарз -  
Одамларга яхшилик қилмоқ.  
Дунёдаги энг савобли фарз -  
Яхшиларни яхши деб билмоқ.

Атрофга боқ, нолима, дўстим,  
Бўхтонларни гулдай қабул қил.  
Жаҳл деган жоҳилни унут,  
Ғийбатларни кулдай қабул қил.

Сени кимдир ранжитдими ё  
Юрагингни қилдими чил-чил?  
Улардайин йўл тутма аммо,  
Ёмонларга ҳам яхшилик қил.

Ҳаёт - синов, синайди обдон,  
Бирда ҳақмиз, бирда ноҳақмиз.  
Ташвишларда юрак ютса қон,  
Нимагадир ғашмиз, илҳақмиз.

Кўзларингдан ёш оқяптими,  
Демак, билки, худо хоҳлаган.  
Ичингдаги дардни шу билан  
Аритмоқлик учун чоғлаган.

Яратганга севимли бўлмоқ -  
Бу қандай бахт, қандай саодат!  
Синовларда синалган маҳал  
Шу севгини унутма фақат.



## ЭЙ ЮРАК

Балли, алдамоқни эплабсиз яна,  
Қўллар қарсақларга ўрганиб қолган.  
Сохта “соябонлар” қилиб тантана,  
Бечора юраклар ўртаниб қолган.

Ўртанма, эй юрак, ўртанма, виждон!  
Ўртанишинг учун арзирли не бор?  
Фақат Яратганга, ўзингга ишон,  
Қишнинг ҳам ортидан келади баҳор...

Алдоқчи, нодонлар учун ўйланма,  
Ўйланмоқлик учун арзимас улар.  
Борлиқни борича ҳис қилиб кўргин,  
Иқболинг ўшанда ҳақиқий кулар.

Эй юрак, зорланма, куйинма ғамда,  
Ҳар бир уришингнинг ўзи бахт эрур.  
Покликни сақлагин, қолган барини  
Мукофоти билан Яратган берур.

## ТУШЛАРИМДА ЁЗИЛГАН ШЕЪРЛАР

Менинг тушларимга киради илҳом,  
Менинг тушларимда ёзилади шеър.  
Қоғозлар ичида мудроқ босганда,  
Онам жойингга ўт, ухла болам, дер.

Она, ухлолмайман, айтинг, не қилай?  
Бу шеър деганлари қалбимни қўймас.  
Айтганин қилмасдан уйқуга кетсам,  
Ором, ҳаловатга юрагим тўймас.

Ҳаттоки тушларда ёзаман... Яна  
Излайман қалбимнинг инжуларини.  
Она, мен уларга алишолмайман  
Дунёнинг ташвишсиз уйқуларини.

Биламан, севгидан ёзганларимни,  
Китоблар ичидан топиб олгансиз.  
Кимгадир муҳаббат қўйдимикан ё,  
Ўзи айтарми, деб қулоқ солгансиз.

Онам, онагинам, хокисоргинам,  
Севганим гўзал қиз ёки паримас.  
Мен шу қоғозларни севиб қолганман,  
Шеърларнинг олдида улар арзимас.

Эй гулгун юзлари гулдан-да гўзал,  
Ойқизлар, ранжиманг менсимайди деб.  
Ҳалигача сизга кўнгил қўймасдан,  
Юрибман севгининг танбеҳларин еб.

Ахир нима қилай, севганим - ижод,  
Тан олган муҳаббат илҳом париси.  
Ўзи билан ўзи гаплашади деб,  
Шубҳада қарайди ёш-у қариси.

Лекин мен чекинмай босарман одим,  
Катта орзулардан қанча бўлса кам.  
Сизга илинаман, яшарканман то,  
Тушларимда ёзган шеърларимни ҳам.

### **ОЛМОСЛАРДА АКСИМНИ КЎРДИМ**

Ўн етти ёш, ўн етти минг ўй,  
Ўн етти бор баҳорни кўрдим.  
Дейдиларки, “Тезроқ кўнгил қўй”,  
Кўнгил қўйиб, озорни кўрдим.

Оҳ, муҳаббат, қийнайсан бунча,  
Севдирганлар юрар бемалол.  
Ёқтирганим - тиканли ғунча,  
Изтироблар... Бу қандайин ҳол?

Севги, сенинг саройингдаги  
Олмосларда аксимни кўрдим.  
Ишқ чашмаси оққан боғдаги  
Дарахтларга бошимни урдим.

Мени телба қилдинг, муҳаббат.  
Айланмайин қоляпти тилим.  
Тузаламан бир куни фақат,  
“Севаман” деб айтса севгилим.

## ЎН САККИЗ ЁШ

(ҳазил)

Деразадан мўралайди ой,  
Кўксим аро чиқади қуёш.  
Орзуларга, ниятларга бой,  
Ўзгачасан, о, ўн саккиз ёш.

Бўй қизларнинг нигоҳи бошқа,  
Сени худди севиб қолгандек.  
Исминг ўйиб ёзишар тошга,  
Кўнгил сари манзил олгандек.

Овозингдан билинар ғайрат,  
Бир ўктамлик барча сасида.  
Ўйна, кулгин, севиб қол фақат,  
Умрнинг бу зўр меваси-да!

Ўн саккиз ёш, ўн саккиз олам  
Ичра ўзинг танҳо, баҳодир.  
Ёшлигини қўмсайди одам,  
Ахир ёшлик севгига қодир.

Ўн саккиз ёш, айна муҳаббат  
Мавсумидан кўнгиллар тўқ-ку.  
Ўн саккизга кирдим мен, аммо  
Ҳалигача севганим йўқ-ку!

## **ДАЛА-ДАШТГА ИШҚ МАКТУБИ**

(ҳазил)

Мажнунтолга кўнган кабутар мисол,  
Менинг юрагимга муҳаббат кўнди.  
Неларга бошлайди тўхтовсиз хаёл?  
Изтиробга кўнди, қайғуга кўнди.

Севгим кимлар учун балки эрмакдир,  
Унинг кенг даламга аталгани рост.  
Айтажак сўзларим сизга эртақдир,  
Мен сулув қизларни севмайман, холос.

Балки, бир кун келиб шундай маҳбуба  
Қалбимни забт этар, уни кутайин.  
Ўша кун келганча, майли ҳозирча  
Дала-даштларимни севиб юрайин.

## БИЛОЛМАЙМАН

Қишлоғимдан оқиб ўтган кенг сой каби,  
Деразамдан мўралаган оқ ой каби,  
Хаёлларим майдонида шўҳ той каби  
Муҳаббат, не эканлигинг билолмайман.

Гоҳи хандон кулдирасан, гоҳ йиғлатиб,  
Юрибман-да севги деган шароб татиб,  
Қишдай қаҳринг нафасидан совуқ қотиб,  
Муҳаббат, не эканлигинг билолмайман.

Қўлимда гул, чўнтагимда қайрилган хат,  
Ёрга етмай ҳаловатдан айрилган хат,  
Тушларимда бир парини кўриб фақат,  
Муҳаббат, не эканлигинг билолмайман.

Оқшомлари юлдузларга сирдош бўлиб,  
Эгаси йўқ атиргулга дилдош бўлиб,  
Азоб топдим сенинг учун йўлдош бўлиб,  
Муҳаббат, не эканлигинг билолмайман.

Билмасам-да севги мени билдимикан,  
Билиб туриб мени асир қилдимикан,  
Ё гўзаллар ҳазиллашиб, кулдимикан?  
Муҳаббат, не эканлигинг билолмайман.

## **ЮРАГИМНИ ТУТИБ**

Ҳақиқат сўзларни излаб боряпман,  
Учраб рости бирла ёлғонларгача.  
Такдирнинг ҳукмига чидаб боряпман,  
Сокин тўлқинлардан тўфонларгача.

Юрагим излайди ҳамон муҳаббат,  
Ва лекин мен уни тополмаяпман.  
Устимдан кулгувчи нафрат дарчаси,  
Қанча уринсам-да, ёполмаяпман.

Муҳаббат, қайдасан, қайдасан, севги?  
Сенинг дардинг билан қайғуга ботдим.  
Сени учратмадим деганим ёлғон,  
Мен уни кўрдим-у, ўзни йўқотдим.

Эҳ у ёноғидан ой мўралаган,  
Қалбимни ёритди бир кўришда шам.  
Учқуни абадий нур таратади,  
Умр учқунларим сўниб қолса ҳам.

Эй гўзал, қалбимга нур киритган сен,  
Ҳануз тинглолмасам сўзларингни-да.  
Лекин яшаяпман инониб ишққа,  
Киприқдан қизғаниб кўзларингни-да.

Ҳақиқат сўзимни топдим - бу севги,  
Сенинг ифорингни туйдим шу бугун.  
Мен ул санам учун фидо бўлсам-у,  
Севмай яшар экан мени не учун?

Афсус, излабман-у, бу кийноқларни  
Ҳис қила олмабман ошиқлар каби.  
Эрта севганидан пушаймон бўлиб,  
Юрган йигитларнинг шудир матлаби.

Ёшлик. Умрим аро тўфондек кирдинг,  
Болалик онларим унутилмоқда.  
Севги шаробини эртароқ бердинг,  
Бу кун юрак, бағрим ундан ёнмоқда.

Йўқ, йўқ. Сендан, ахир тонмаяпман-ку,  
Ҳамма айб ўзимда, севган ҳам ўзим.  
Муҳаббат қани деб излаганим рост,  
Санамни соғинган шу қора кўзим.

Эҳ у, яноғидан ой мўралаган,  
Мени шу кўйларга мубтало этдинг.  
Севмай яшар эдим, кулиб, кувониб,  
Ўша кувончларни сен адо этдинг.

Энди сен кулганда кулмоқдаман мен,  
Ўзинга ўргатдинг шунчалар осон.  
Севги йўқ, ошиқлар алдоқчи деган,  
Эй, ишқсиз кимсалар, сўзингиз ёлғон.

Ошиқман бир кулиб боқишларингга,  
Жоним, висолингни кутиб яшайман.  
Келсанг бас, ўзинг забт этган юракни  
Бир умр қўлингга тутиб яшайман.



## **БОРАМАН-ҚАЙТАМАН**

Узумзор оралаб бораман,  
Новдалар шивирлар ортимдан.  
Уларнинг олдида қораман,  
Севги деб айрилдим боримдан.

Узумзор оралаб бораман,  
Япроқлар янглишдинг дейдилар.  
Ҳижрон деб аталган кўчада  
Кўпмикан мендайин дайдилар?

Узумзор оралаб бораман,  
Юрагим оғрийди негадир.  
Севгим деб юрганам бугун ё,  
У билан...  
У билан биргадир.

Узумзор оралаб бораман,  
Узумлар кулишар устимдан.  
Севги деб кечибман мен нодон  
Қатъият исмли дўстимдан.

Узумзор оралаб бораман,  
Сал олдин шу ерда турганим,  
Кўзимда жонланар қўлини  
Қўймасдан шу йўлдан юрганам.

Узумзор оралаб қайтаман,  
Хотира сайрини тамомлаб.  
Ҳижрон деб аталган дўстимнинг  
Туғилган кунини нишонлаб.

## АЙРОНЧИ ҚИЗ

-Айронингиз ширин экан айрончи қиз,  
Бир умрга ёнингизда қолар эдим.  
Хўп десангиз шу айронга қўшиб эгиз,  
Коса тутган қўлларни ҳам олар эдим.

-Айронимнинг таъми ширин, нархи баланд,  
Бундан кетиб, бошқасига боролмайсиз.  
Бир ўзингиз ўн пиёла ичсангиз ҳам,  
Коса тутган қўлларимни ололмайсиз.

-Айронингиз асл экан, лекин ширин  
Сўзларингиз олдида у қолар экан.  
Ниятингиз бошқадами, биз бўлмасак,  
Бу қўлларни қандайин мард олар экан?

-Шундай мардки, бу қўлларни авайласа,  
Олгандан сўнг айланмаса ёлғончига.  
Бизга айтган хушомадгўй сўзларини  
Айтмаса у тагин бошқа айрончига.

-Мана биз-да ўша марди майдон йигит,  
Сиздан бошқа айрончилар керак эмас.  
Бир умрлик харидормиз ўзингизга,  
Энди сизсиз урган юрак юрак эмас.

-Сўзга чечан, хушомадга бой экансиз,  
Айрон тутиб қўлларим ҳам жуда толди.  
Олмасангиз, ортингизга қараб қўйинг,  
Сиздан бошқа харидорлар кутиб қолди.

## ТЎЛИН ОЙ

Кўкда ой тўлди яна,  
Лекин дил тўлмаяпти.  
Мен севган у кўшни қиз  
Менга ёр бўлмаяпти.

Ахир ойга айтгандим  
Юракдаги армонни.  
Фалак тушунмас экан  
Ошиқдаги ҳижронни.

Кўкда ой тўлган тунда  
Ваъдаларинг олгандим.  
Билмай туриб Мажнунга  
Мен айланиб қолгандим.

Ўша ваъда, ўша сўз  
Қайларга кетиб қолди?  
Менга аталган гулга  
Бошқаси қўлин солди.

Кўкда ой тўлганида  
Тўйинг бўлар эмишми?  
Жоним, сенинг учун бахт  
Олтин, олмос, кумушми?

Чин муҳаббат - тиллодан,  
Қимматлиги ёлғонми?  
Ёки бизлар хизматкор,  
Танлаганинг султонми?

Билиб қўйки, севгида  
Бойлик ўрин тутмайди.  
Бой хонимга деб ишқни  
Бозорларда сотмайди.

Жоним, сенинг ҳамроҳинг  
Тилло бўлсин, тахт бўлсин.  
Бизга улардан аввал  
Бузилмас аҳд, бахт бўлсин.

Кўкда ой тўлди яна,  
Лекин дил тўлмаяпти...

## **БЕВАФО ЧИРОҚЛАР**

Булутларнинг бағридаги ой  
Қора тунни ёритар тинмай.  
Менинг зулмат бўлган юрагим  
Айрилиққа турибди кўнмай.

Оҳ, айрилиқ,  
Ҳақиқат вақти  
Севмоқлик - нур, севилмоқ - чироқ,  
Мен нур бўлиш учун интилдим,  
Чироқкинам ёнмади бироқ.

Булутларнинг бағрида оқ ой,  
Қора тунни ёритар тинмай.  
Севилмаган севгимиз билан  
Юрак титраб турибди синмай.

Оҳ, муҳаббат,  
Ошиқ азоби...  
Жазойингга кўнаверамиз.  
Бевафолик қилса чироқлар,  
Биз нур бўлиб ёнаверамиз.

## ГУНОҲСИЗ СЕВГИ

Ишқнинг оловларида ўрганияпти юрагим,  
Севги қийноқларига ўрганияпти юрагим.  
Сени кўрган кўзларим, туйғуларим гуноҳкор,  
Жоним, ахир гуноҳсиз севгида не гуноҳ бор?

Тонг ёришиб кетса ҳам кўнгил ёришмаяпти,  
Муҳаббатим меҳринга нечун қоришмаяпти?  
Ишқимиз кўчалари бунча қисқа, бунча тор,  
Жоним, ахир гуноҳсиз севгида не гуноҳ бор?

Ёнган қанча шеърларнинг уволи тутмайдими?  
Йўлимизга зор бўлиб, муҳаббат кутмайдими?  
Қалбимиз музлаганда, атрофга келиб баҳор,  
Жоним, ахир гуноҳсиз севгида не гуноҳ бор?

Ҳамма гуноҳ ўша илк сени кўрган кунимда,  
Ўйланиб ухлолмаган, ишқ қийнаган тунимда,  
“Севаман” деб савоб қил. Этма мени интизор,  
Жоним, ахир гуноҳсиз севгида не гуноҳ бор?

**ЎЙНАР ЭДИМ ҚУШЧАЛАР БИЛАН...**

## БАХТ МЕВАЛАРИ

Болалар - эзгулик, бахт мевалари,  
Шодлигу қувончи - дунёга устун.  
Боболарнинг ширин набиралари,  
Улар меҳрибондир бувилар учун.

“Болаларга беринг дунёни”, дея  
Ашъорлар битганди устоз шоирлар.  
Майли дунё эмас, сиз ўзингизни  
Болаларга беринг, эй мард, ботирлар.

Яшанг улар каби ғамдан нарида,  
Пок бўлсин ҳамиша юракларингиз.  
Сиз азим дарахтсиз юрт боғларида,  
Болалар - мустаҳкам куртакларингиз.

Билинг, бола учун тилаклар - дунё,  
Меҳрга интизор юраклар - дунё.  
Синоат майдони, мудом сир дунё.  
Ахир, болаларнинг ўзи бир дунё.



## БОЛАЛИҚДА

Шодон эдим, кулиб турардим,  
Кучукчани қувлаб юрардим,  
Давр-у давронимни суардим,  
Болалиқда, беғуборликда.

Онам мени “оппоғим” дерди,  
Отажоним “тойчоғим” дерди,  
Мана ёшлик онлари келди,  
Болалиқда, беғуборликда.

Кучукчалар - яқин ўртоғим,  
Ширинликдан бўларди тоғим,  
Дер эдилар: “Жоним, чироғим”,  
Болалиқда, беғуборликда.

Бувим келса, туршак сўрардим,  
Лойдан ҳатто қаср қуардим,  
Эрта ётиб, кечроқ турардим,  
Болалиқда, беғуборликда.

Ўйнар эдим қушчалар билан,  
Сўзлашардим ғунчалар билан,  
Эртақ тинглаб кечалар билан  
Болалиқда, беғуборликда.

“Қувлашмачоқ”, “Яшириниб ол”,  
Бир кун келиб, бўлмасдан малол,  
Тўйгунингча барин ўйнаб қол  
Болалиқда, беғуборликда.

## АРИЗА

Эртақ деган қишлоқдаги мактаб директориға Билма-  
свой исмли бола номидан йўлланган ариза

Таътил вақти жуда ҳам соз,  
Бизга уч ой етмайди - оз,  
Кўшса бўлмайдимиз бироз?  
Ёрдам беринг, азиз устоз.

Муаллимнинг топшириғи,  
Кўпаяди бош оғриғи,  
Дам олайлик биз қиш-у ёз,  
Ёрдам беринг, азиз устоз.

Таътил вақти ўйин бўлса,  
Имтиҳонлар кечга қолса,  
Тўйиб кетдик: қалам, қоғоз!  
Ёрдам беринг, азиз устоз.

Биз ҳаммамиз норозимиз,  
Имтиҳонли ҳар ёзимиз,  
Шудир қалбдан чиққан овоз,  
Ёрдам беринг, азиз устоз.

## **ЖАВОБ ХАТИ**

Билмасвойга мактаб директоридан жавоб хати

Аризани зўр ёзибсан,  
Очиқ айтсам, қойил қолдим.  
Билмасвойнинг хати дея,  
Ҳурмат билан қўлга олдим.

Таътил ўзи жой-жойида,  
Уч ой ҳатто кўплик қилар.  
Топшириқлар бўлмаса-чи,  
Ўқувчи талтайиб кетар.

Имтиҳон ҳам жуда яхши,  
Синалади билимларинг.  
Ўзи бир гап бўлганмикан?  
Талтайибсан сенлар баринг.

Иш-у ўқиш жой-жойида  
Бўлса, бўлар қанчалик соз  
Шу гапларим ёдда тутиб,  
Ўйлаб кўргин, болам, бироз.

## ТАНБАЛЛАРНИНГ ТАНБАЛИ

Салом берса, олмас алиқ,  
Дарс қилмайди бир ҳафталик,  
Синфдошим - семиз Малиқ  
Танбалларнинг танбали-да.

Устоз койиб, ўқи дейди,  
Қулоқ солмай, танбех ейди,  
Кўчамизда юрар дайди,  
Танбалларнинг танбали-да.

Тўпалончи, у безори,  
Онасининг дил озори,  
Шошилади ўйин сари,  
Танбалларнинг танбали-да.

Гапимизга кирмайди у,  
Эрта тонгда турмайди у,  
Бизни ҳурмат қилмайди у,  
Танбалларнинг танбали-да.

Қизлар сочин боғлаб қўяр,  
“Икки”сининг устин бўяр,  
Бўяб “беш”га айлантлар,  
Танбалларнинг танбали-да.

Ҳисса қўшинг меҳнат билан  
Гўзал юртнинг сайқалига.  
Сиз айланиб қолманг яна  
Танбалларнинг танбалига.

## **БИЛИМДОНЛАР БИЛИМДОНИ**

Ўқишига хавасдамиз,  
Қойил қодлик мен ва Азиз,  
Зўр ўқийди Абдулазиз -  
Билимдонлар билимдони.

Тинмай китоб ўқиб юрар,  
Баъзан шеърлар тўқиб юрар,  
Боғда терлар тўқиб юрар -  
Билимдонлар билимдони.

Уришмайди ҳеч ким билан,  
Беллашади Нозим, Тўлан,  
Қундалиги “беш”га тўлган -  
Билимдонлар билимдони.

Устоз мақтар ўрнак қилиб,  
Ориқ юзи турар қулиб,  
Шеър ёдлайди завққа тўлиб -  
Билимдонлар билимдони.

Деворларда расми турар,  
Ўқиб, эзгу ўйлар суар,  
Кеч ётса ҳам эрта турар -  
Билимдонлар билимдони.

Хавас қилиб ўрнак олиб,  
Гоҳ беллашсак ундан қолиб,  
Абдулазиз доим қолиб -  
Билимдонлар билимдони.

## ҚЎҒИРЧОҚҚА ТИЛАГИМ

Синглим Самирага

Совға қилди қўғирчоқ,  
Севиниб кетдим шу чоқ,  
Раҳмат айтдим дадамга,  
Синмай кетдим оламга.

Қўғирчоғим юзига  
Сурдим упаю қалам.  
Зеро овунчоғимга  
Яқинлашмасин алам.

Совунлаб чўмилтирдим  
Ҳар бир тола сочини .  
Кўриб ҳайратда қолдим  
Қўғирчоқ қувончини.

Ниятим: дадажоним  
Кўп қўғирчоқ опкелсин!  
Ўйинчоқ жавонимга  
Турли совғалар тўлсин.

Қўғирчоқжон, қўғирчоқ,  
Сен мен учун овунчоқ  
Ниятим: ҳар доимо  
Бирга бўлайлик ўртоқ.

Иккимиз ўйнаганда  
Ҳеч ким бермасин халал.  
Ювилавериб сочинг  
Бўлиб қолмасин ҳеч кал.

## НАВРЎЗЖОН

“Кириб келди Наврўзи олам,  
Сумалакка тош тергин болам”,  
Дея қучиб, елкамдан қокди  
Севинчига сиғмаган онам.

Далаларга чопдим ўйноқлаб,  
Тошлар топдим ишончни оқлаб,  
“Барака топ, болажоним” деб,  
Ҳатто бувим қўйди-ку мақтаб.

Қариндошлар йиғилди чунон,  
Кулгиларга тўлди-ку осмон,  
Сумалак ҳам қайнар қозонда,  
Юртим гўзал, хўп жаннатмакон.

Раҳматларни эшитдим такрор,  
Кўк сомсанинг таъми бетакрор,  
Қалблардаги музни эритди  
Нафосатнинг элчиси - баҳор.

Сумалакни коса-косалаб  
Бўлишдик биз, уйлар оралаб,  
Ахир, ҳар бир тошни меҳр-ла  
Терган эдим ўзим саралаб.

Байрам учун тилаклар айтдим,  
Ўзбекистон гулистон бўлсин.  
Обод юртда кулиб яшайлик,  
Ҳар кунимиз Наврўзжон бўлсин.

## **ОЛТИН КЕТМОН**

(эртақ)

“Ушбу эртақ 2020 йил мамлакат бўйлаб ўтказилган “Мен эшитган эртақлар” танловининг Республика босқичида 3000 та эртақ орасида биринчи ўринга сазовор бўлган!”

Жуда қадим замонда,  
Бир қишлоқ бўлган экан.  
Гул очилиб ҳар ёнда,  
Нурларга тўлган экан.  
Одамлар бахтли яшаб,  
Меҳнатдан толмас экан.  
Бири-бирини мақтаб,  
Яхшидан қолмас экан.  
Қишлоқда бой, камбағал,  
Йўқ экан. Ҳамма бир хил.  
Мақсад кўйишиб ҳамма,  
Айтар экан: “Меҳнат қил”.  
Боболар ҳассадан ҳам,  
Кетмонга ўртоқ экан.  
Момолар тўқиб гилам,  
Одамлар иноқ экан.  
Шу қишлоқда ҳазилкаш,  
Тоштемир чўпон экан.  
Бузоқ, эчки аралаш,  
Унга қадрдон экан.  
Бир куни кенг даладан,  
Кетмон топиб олибди.  
Дасталари олтиндан,



Ўз ёнига солибди.  
Кетмоннинг дастасида  
Бир сўз ёзилган экан.  
Кетмон минг йиллар аввал,  
Дунёга келган экан.  
Тоштемир ўқий олмас,  
Савод қурғур яхшимас.  
Лекин дўсти Олмос бор,  
Ўқиб берар, басма бас.  
Дўсти ёнига бориб,  
Шундай дебди Тоштемир:  
“Олмосим, кадрдоним,  
Шу ёзувни ўқиб бер”.  
Қарасаки Олмосжон,  
Олтин кетмон ёнида.  
Хаёли бўлиб ёмон,  
Нафси жўшиб қонида.  
Дебди: “Бу оддий кетмон,  
Сариқ рангда шунчаки.  
Тоштемир менга ишон,  
Ёзуви ҳам қалбаки.  
Эмишки, бу девлардан,  
Ёлмоғиз, алвастидан.  
Яратилган эканки,  
Душманликнинг қасдидан.  
Кимки ерга санчган он,  
Олам зулматда қолар.  
Тилга кирганча кетмон,  
Ўқир экан дуолар...”  
Бу сўзларни эшитиб,  
Тоштемир ёқа ушлаб.

Кетибди кетмонини,  
Яқин дўстига ташлаб.  
Аслида даста аро,  
Бошқа сўз ёзилганди.  
“Меҳнат қилиб яшагин,  
Эй инсоннинг дилбанди.  
Олтин кетмон бўлса ҳам,  
Меҳнат учун яралган.  
Ерга урган заҳотинг,  
Зиё таралар ундан”.  
Тоштемир бундан сира,  
Хабарсиз, бечораҳол.  
Олмос омади чопган,  
Ундан эшитинг дарҳол.  
Кетмонни кўрган заҳот,  
Ақли ҳам шошган экан.  
Яқин дўстини алдаб,  
Ҳаддидан ошган экан.  
Олмос дебди: “Бу кетмон  
Энди менинг хазинам.  
Бойвучча одамлардек,  
Бойиб кетаман мен ҳам”.  
Бизнинг сеҳрли кетмон,  
Чиндан сеҳрли экан.  
Ёмонга ёмон бўлиб,  
Сизга меҳрли экан.  
Ёлғон бўлган жойларда,  
Йўқолиб қолар экан.  
Қидирсангиз топилмай,  
Алдаган толар экан.  
Олмос алдаган заҳот,

Кетмон ҳам йўқолибди.  
Тоштемирнинг кўлида,  
Пайдо бўлиб қолибди.  
Аслида Тоштемиржон,  
Ўқишни билар экан.  
Шундай вазиятларда,  
Дўстларни синар экан.  
Олтин кетмон майлига,  
У учун куйинмайди.  
Олтиндан қиммат бўлган,  
Дўстлик бўлса қанийди.  
Алқисса, синалмаган  
Отга миниб кўрмагин.  
Кейин афсус, надомат,  
Ташвишларда юрмагин.  
Дўстлик устун, аввало  
Меҳрга содиқ қолгин.  
Ҳақиқий меҳр кучи,  
Тургай олтиндан олдин.  
Олмосдай ёмон ҳолга,  
Тушиб қолма, болажон.  
Чин дўстларни авайлаб,  
Яхшилик қил ҳар қачон.  
Тоштемирдай зийрак бўл,  
Бунга ишонгувчимиз.  
Эртак айтиб сизларга,  
Дилдан қувонгувчимиз.

## ШЕЪР МЕНИНГ САВОБИМ, САОДАТИМДИР

Сўнги сўз ўрнида

Илгари шеърнинг қудрати, шеърнинг кучи деганда ҳеч нарсани тушунмасдим. Гўё оқ қоғозда пайдо бўлган икки-уч сатрда қандай куч бўлиши мумкин деб, ўйланиб қолардим. Энди эса ҳақиқий шеър кучи қандай эканини тушунишга ҳаракат қиляпман. Нега деганда, шеърятга юзакилик, жўнлик билан қараган ижодкор ҳеч қачон яхши шоир бўла олмаслиги ҳақида устозларимдан кўп эшитганман.

Биринчи синфлик пайтимда шеърятга меҳрим тушди. Устоз отадай улуғ деганлари, рост экан. Биринчи устозимиз Роҳатой опага бўлган меҳрим туфайли шеърят деган буюк чаманнинг остонасига қадам қўйдим. Эсимда, ўқитувчилар байрами яқинлашиб қолган сари ҳамма синфдошларим устоз учун совға тайёрлашга тушиб кетишди. Байрам арафасида улардан кетма-кет рўмол, атир, гул, ҳар хил кийимликлар устозга совға қилинди. Мен ҳам аяжоним берган бир кийимликни олдим-у, устозга беришга отландим. Уйимиз жойлашган кўчадан кейинги кўчада мактаб бор. Сумкамда совға борлиги учунми, билмадим мактабга жуда шошардим. Ана шу паллада хаёлимда бир ўй пайдо бўлди. Ҳамма бир хил табрикласа мен бошқа йўлдан юришга қарор қилдим. Синфимиздаги доскага табригимни ёзиб қўймоқчи бўлдим. Аммо энди ўша доскага қандай табрик ёзиш қизиқ эди. Ўша онда шеърга ўхшаган жажжи сатрлар хаёлимда гавдаланди. Ўзи икки қатор-у, аммо жуда маъноли фикрни топгандай хурсанд бўлиб кетдим:

“Устозимга минг раҳмат,  
Мингмас икки минг раҳмат”

Ҳа, ўша лаҳзада мана шу сўзларни доскага ёзмокчи бўлдим. Аммо ёзмадим. Барча қатори оддийгина қилиб табриккладим. Энди доскага ёзаман деганимда қўнғироқ чалиниб қолди-ю, устоз синфга кириб келди. Гарчи устозни ўзгача табрикламаган бўлсам-да, ўзим билмай катта иш қилиб қўйган эканман. Шу зайлда шеър остонасидан қадам қўйдим.

Бугун ўша хотираларни эсларканман, юрагим алланечук ҳисларни туйди. Бирпасда орадан ўн бир йил ўтибди. Шу йиллар орасида кўп устозлардан шеър ёзиш маҳоратини, ижодда энг асосийси қофия эмас, балки мазмун бирламчи эканлигини ўргандим. Бу галги тўпламимни катта мазмун устида тайёрлашга ҳаракат қилдим.

Она ҳақида қанча шоирлар дoston ёзган-у, қанча ёзувчилар нодир асарлар яратган. Эҳҳе, уларни бир жойга тўпласа дунёнинг китоблари йиғилади. Ана шу китоблар орасидан қўлингизда турган шу китоб ҳам ўрин олса, ҳақиқий бахт нималиги туйган, ҳис этган бўламан. Ёзганларим эса юрагимнинг мулки, хазинаси. Юрак хазинамни асрайсиз, деган умиддаман.

Шеър менинг савобим, саодатимдир,  
Шеър буюк Тангрига ибодатимдир.  
Савобим оширмай ўтган ҳар лаҳза  
Зулматдан бир нишон, халокатимдир.  
Оламга меҳрдан нур ўранг, дўстим,  
Шоирдан сиз фақат шеър сўранг, дўстим.

## МУНДАРИЖА

<b>Ижодинг ёркин бўлсин,</b>	Кувониб яшанг .....47
<b>Ёркинжон ўғлим.....3</b>	Мақтанаман .....48
То жисмида ураркан юрак.....6	Эски йил байрами .....49
Ўзбекистон.....7	Кеча, бугун, эртага .....51
Юртбошим .....8	Кеч кузакда .....52
Мен ўзбекман .....10	Мардлар сотмайди .....53
Нурдарё .....12	Синфдошларим.....54
Бахтиёрлармиз .....13	Сумалак олови .....55
Қишлоққинам .....15	Бўлолмадик .....56
Сени севаман .....16	Кулиб юрсин оналар .....57
Бухорийнинг барокати	Кучли инсон.....59
ёғган ватан .....17	Сабримиз етар .....60
Изла .....18	Илҳом гуллади.....61
Тор қўчада.....19	Ҳаёт ҳақиқати .....62
Токи .....20	Бобо кетмон .....63
Ўзбекистон дея.....21	Онам кипригига арзимас дунё...64
Болангман .....22	Эссиз вақт .....66
Буюк муҳаббат йўли .....23	Эшик қулфи .....67
Халқим менинг .....25	Ўкинч .....68
Ўзбек қизи.....27	Тоғлик момо нияти.....70
Дўстлик .....28	Уйку.....71
Ҳаракат билан.....29	Дўстлик нафаси .....72
Кўйлакнинг “тоза”си .....30	Қадр ғунчаси.....73
Сирдарёнинг фермерлари.....31	Ҳақиқат .....74
Асраб яшанг.....32	Энг буюк савоб.....75
Юлдуз хижолат.....33	Умрим – нишон .....76
Ўзбекистондир.....34	Илҳомбахш дарахт .....78
Қишлоқ.....36	Шўрлик она.....80
Абадий дўстимиз.....37	Саховат сандиғи .....81
Мустақиллик саодати .....38	Дераза ортида .....82
Мангулик сўз .....39	Дўстлик айтилмайди.....83
Зафар кучдинг .....40	Боқинг кўзичокларга.....84
Халқ севгиси.....41	Асрагин .....85
Эмас.....42	Бахт гилами.....86
Анджоним .....43	Катта муаммо.....87
<b>Шеър билан қўшилиб яшайди</b>	Инсон ва шайтон .....88
<b>шоир.....44</b>	Ғалати “севги” .....89
Бахт топдим .....45	Сигинмок .....90
Қаҳрамон чироқ.....45	Одамсан.....91

Киборлар давраси.....	91	Дунё гўзали.....	126
Отангиз кутмоқда.....	93	Севгини унутма.....	128
Тиканлар .....	94	Эй юрак .....	129
Маъкул .....	95	Тушларимда ёзилган шеърлар .	130
Эй халойик.....	96	Олмосларда аксимни кўрдим...	131
Бир куни .....	97	Ўн саккиз ёш.....	132
Соғиндим .....	98	Дала-даштга ишқ мактуби.....	133
Пушаймон аризабоз.....	99	Билолмайман .....	134
Йўловчилармиз.....	100	Юрагимни тутиб .....	135
Эй бузгунчи .....	101	Бораман-қайтаман.....	137
Инсон бўлайлик.....	104	Айрончи киз.....	138
Ганиматдир.....	105	Тўлин ой.....	139
Туш .....	106	Бевафо чироклар .....	141
Меҳрининг ортиги.....	109	Гуноҳсиз севги .....	142
Хатолар.....	111	Ўйнар эдим қушчалар билан...	143
Керилма.....	113	Бахт мевалари.....	144
Билиб яшаймиз.....	115	Болаликда.....	145
Юлдуз сўниб, йиғлайди булут .	117	Ариза .....	146
Шиор экан .....	118	Жавоб хати.....	147
Бу дунё .....	119	Танбалларнинг танбали .....	148
Ёркин сўз.....	120	Билимдонлар билимдони .....	149
Унутма.....	121	Кўғирчоққа тилагим.....	150
Дуодамиз, жўражон.....	122	Наврўзжон.....	151
<b>Тушларимда ёзилган</b>		Олтин кетмон.....	152
<b>шеърлар .....</b>	<b>123</b>	Шеър менинг савобим,	
Кўзойнак .....	124	саодатимдир.....	156
Оловли кун.....	125		

**Адабий-бадний нашр**

**Ёрқинжон ҲАЙИТБОЕВ**

# **ОНАМ КИПРИГИГА АРЗИМАС ДУНЁ**

(Шеърлар)

Нашриёт муҳаррири:           Моҳира ЮЛДАШЕВА  
Техник муҳаррир:           Бахтиёр ЯКУБОВ  
Саҳифаловчи-дизайнер:   Шоҳида МУҚУМОВА

“Зиё” нашриётида тайёрланди.  
Лицензияси АИ № 169, 23.12.2009 йилда берилган.  
Босишга 2020 йил 25 мартда рухсат этилди.  
Бичими 108x84/16. Ёзув шрифти TimesNewRoman.  
Ҳисоб нашриёти т. 10,0. Адади 100 нусха  
Буюртма №

“Зиё” нашриёти  
Сирдарё вилояти Гулистон шаҳри  
Ўзбекистон кўчаси 8-уй.  
Тел: (0367)227-63-09; (97)565-71-21

“Sirdaryo Print” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
Сирдарё шаҳар, Ўзбекистон кўчаси, 92-уй.